O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **8** март, пайшанба № **10** (2189).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Четверг, **8** марта, **2007** год, № **10** (2189).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Мана шу қутлуғ айёмда, аввалambор, барчамизни дунёга келтирган, кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини фарзандларига бағишлаган, биз олдида умрбод қарздор бўлган меҳрибон оналаримиз, мўътабар момо ва бувиларимизга таъзим қиламиз.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, лобар қизларим!

Барчангизни гўзаллик ва нафосат байрами – 8 март – Хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Она диёримиз узра кўклам нафаси уфуриб турган шу кунларда биз барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Бу байрам Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлган аёл зотини улуғлаш, юрагимиздаги энг юксак туйғуларни ифода қилиш учун бизга янги бир имкон бериб, уларнинг ҳаётимиз, жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур англаш, қадр-қимматини жойига қўйишга яна бир бор даъват этади.

Мана шу қутлуғ айёмда, аввалambор, барчамизни дунёга келтирган, кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини фарзандларига бағишлаган, биз олдида умрбод қарздор бўлган меҳрибон оналаримиз, мўътабар момо ва бувиларимизга таъзим қиламиз.

Энг муҳими, шундай шукуҳли кунларда хонадонларимиз фариштаси, оила қўрғонининг бекаси бўлмиш, рўзғорнинг барча юки ва ташвишларини нозик елкасида беминнат кўтариб келаётган, болаларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, уйларимизга орасталик ва файз бағишлайдиган садоқатли умр йўлдошларимизни, уларнинг ҳусну латофатини ўзимиз учун бамисоли янгитдан очгандек бўламиз, уларнинг, барча опа-сингилларимиз, зебо қизларимизнинг ҳурматини бажо келтирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, 8 март байрами ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало эски замонда кенг тарқалган сиёсий-мафкуравий қолиплардан бутунлай холи бўлиб, юртимизга гўзал ва бетакрор баҳор фаслининг элчиси сифатида кириб келадиган, тобора чинакам инсоний моҳият касб этиб бораётган қутлуғ бир анъанани, оилаларимизга шодлик бахш этадиган қувончли бир айёмни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани барчамизга яхши маълум.

Ўтган давр мобайнида бу соҳада зарур ҳуқуқий асос яратиш ва уни янада такомиллаштириш, аёлларимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, опа-сингилларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз ана шу сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Бугун қўлга киритган катта ютуқларимизни мамнуният билан эътироф этган ҳолда, мен бутун жамоатчилигимиз, биринчи галда, раҳбар ва фаолларимизнинг эътиборини муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Яъни, ҳаётимизнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимизни истардим.

Айни вақтда 2007 йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш, аввалambор жамиятимизнинг пойдевори ва таянчи бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини ошириш, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклашини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳокимиятнинг барча тармоқларида – бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими – том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шу борада бир мисол келтиришни ўринли, деб биламан.

Бизнинг сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки 16 фоизни, қонунчилик палатасида 17,5 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил этишини афсус билан қайд этамиз.

Албатта, депутатликка номзодларни аввало сайловчилар сайлашини ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Лекин ана шу сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши ва қонунчилик идоралари ҳамда маҳаллий вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кенг жамоатчилигимизга, аҳолимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканини ҳам эътиборда тутишимиз зарур.

Энг ривожланган демократик мамлакатлар, аввало, Европа давлатлари тажрибаси, уларнинг бугун кечираётган тинч, фаровон ва осуда ҳаёти, керак бўлса, ўз шароитимиз, босиб ўтган йўлимиздан чиқарадиган хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, **юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий анъанага айланса, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз.**

Ўйлайманки, кейинги сайловларда барчамиз бу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини теран англаган ҳолда, ўз фуқаролик ва сайловчилик бурчимизни адо этишда бу масалага алоҳида эътибор берамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Сизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ҳарбий либосли маликаларимиз

ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ – АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа эканлигини таъкидлади.

– Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, – деди Ислом Каримов. – Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ортганининг ўзиёқ бу фикрнинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга, бугунги учрашув ҳамкорликка оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикрлашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни олий даражага кўтариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами йилдан йилга кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига, кўплаб халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлари муштарак. Мамлакатларимиз Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби тузилмалар доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ТАРҒИБОТИ

Мустақилликка эришувимиз миллий маданиятимиз тарихини ўрганишни маънавиятимизнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири сифатида олға сурди. Президентимиз Ислом Каримов етакчилигида ҳукуматимиз раҳбариятининг бой маданий мерос ва маънавий қадриятларни ҳар томонлама чуқур ва холисона татқиқ этиш, миллий маданиятимизни янада юксалтиришга алоҳида диққат-эътибор қаратаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилган миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга оид Қарори бу борадаги ишларни янгича негизда амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эътибор келажакни қуриш йўлида маънавий соҳадаги мавжуд имкониятларни ишга солиш ва улардан самарали фойдаланишга кенг йўл очиб берди.

Мамлакатимиз маданий ва маънавий ҳаётининг яна бир улкан эътирофи таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш «АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган ном берилишидир.

(Давоми 8-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1.Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2.Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг апрель – май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Аташев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 7 март.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БИР ҚЎЛИ БЕШИКНИ, БИР ҚЎЛИ ДУНЁНИ ТЕБРАТГУВЧИ ЗОТ

Ҳаёт гўзаллиги ва бетакрорлиги бу аёлларимизнинг меҳри, вафоси, муҳаббати, садоқатидадир, дея баралла айта олишимиз мумкин. Аёл сиймосида таралиб турадиган нур ва эзгулик ҳаёт давомийлигини эслатиб, бизни эзгу ишларга руҳлантиради, улкан орзулар сари етаклайди.

Аёл – она. Бу шундай улуғ зотки, бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебрата олади. Аёл – севимли ёр, рафиқа. Аёли йўқ хонадон чироқсиз уйдек гап.

Аёлни шоирлар баҳорга ўхшатишади, гулга ўхшатишади. Изларидан ҳаё, ибо, вафо эргашиб юрадиган миллатим аёллари ҳақида, уларнинг сифатлари хусусида кўп-кўп фикрлар билдириш, ташбеҳлар айтиш мумкин.

Аёли улуғланган юрт обод бўлиши, фаровон бўлиши ўтмишдан маълум. Мустақил юртимизда аёлларимизга бўлган эътиборни, эҳтиромни кўриб, бунинг қанчалар тўғри эканлигини англаш мумкин. Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсат замирида аёлларга устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Бугун ислоҳотларнинг ҳар жабҳасида аёлларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Аёлларимиз нафақат баркамол авлод тарбиясида, балки давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ ишларда ҳам янада фаол қатнашишмоқда. «Зулфия» номидаги давлат мукофотини олишиб, дунёга ўз сўзларини айтишга ошиқаётган қизларимиз эртамизнинг муносиб давомчилари, бунёдкорлик ва яратувчанлигимиз Зулфияларидир, десак муболаға қилмаган бўламиз.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ЗНАК МЕЖДУНАРОДНОГО ПРИЗНАНИЯ

В годы независимости армейскими спортсменами внесен значительный вклад в международное признание Узбекистана на мировой спортивной арене. На днях в Министерстве обороны состоялось чествование спортсменов Марказий харбий спорт клуби (МХСК), удостоенных памятных медалей Международного военного спортивного совета за высокие достижения в минувшем 2006 году. Этот знак международного признания еще раз красноречиво подтвердил высокий авторитет атлетов Узбекистана в среде военных спортсменов мира.

Основанный 19 марта 1993 года по Указу Президента Республики Узбекистан, МХСК является не только спортивным центром наших Вооруженных Сил, но и опорной базой по подготовке ряда национальных сборных команд по видам спорта. Здесь ведется работа со спортсменами высокого класса, достойно защищающими честь страны по олимпийским и военно-прикладным видам спорта на уровне национальных сборных Узбекистана и Вооруженных Сил.

(Продолжение на 8-й стр.).

3 ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

ИШОНЧНИ АЛБАТТА ОҚЛАЙМИЗ

4 БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ ОЛДИДАН

"ARMIYA – HAYOT MAKTABI"

10 ЎЗБЕГИМ ЛОБАРЛАРИ

ГУЛЛАРДАН-ДА ГЎЗАЛСАН АЁЛ

11 СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

СПАРТАКИАДА – ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБИ

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йил ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковнинг мамлакатимизга расмий ташрифи Ўзбекистон билан Россия ўртасида жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамда сиёсий мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев билан М.Фрадков ўртасида бўлиб ўтган музокараларда мамлакатимиз вазирликлари ва етакчи иқтисодий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Музокараларда икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболлари, хусусан, мамлакатларимиз ёқилғи-энергетика мажмуини ривожлантириш мақсадида ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро ташкилотлар доирасида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Бугун авиация ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар соҳасида ўзаро фойдали алоқалар изчил ривожланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон бой энергия ресурслари захирасига, жумладан, Евроосиё минтақасида углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва транспортировка қилиш соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар доирасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва энергия хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Россиянинг "Газпром" ва "Лукойл" каби етакчи нефть-газ компаниялари билан ҳамкорликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётир. Бугунги кунда Россия компанияларининг Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуидаги инвестицияси миқдори қарийб 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Фан ва техника, таълим соҳасида ҳам алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири экани таъкидланди. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо айланмаси жадал ўсиб бормоқда ва 2006 йилда бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан ошди. Россия Ўзбекистонга асосан машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Музокараларда, ўз навбатида, Россиянинг Ўзбекистондан харид қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини янада кенгайтиришдан манфаатдор экани алоҳида таъкидланди. Бугун мамлакатимиз Россия Федерациясига машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа юқори технологияли маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Музокараларда коинотни ўзлаштириш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир масалалар ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон бугунги кунда катта илмий-тадқиқот салоҳиятига эга. Жумладан, республикамизда МДҲ ҳудудида энг йирик астрономия обсерваториялари, Ўзбекистон иқтисодиёти ва жаҳон фундаментал илм-фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини берадиган ноёб аэрокосмик ускуналар самарали ишлаб турибди. Музокараларда Ўзбекистон ва Россия олимларининг имкониятларини бирлаштириш ҳар икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон – Россия музокаралари якунлари бўйича авиасозлик соҳасида ҳукуматлараро битим имзоланди.

* * *

Шу куни Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси М.Фрадков Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейи экспозицияси билан танишди.

М.Фрадков музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Юқори мартабали меҳмон Олий Мажлис Сенати биносини кўздан кечирди.

М.Фрадков оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказган музокаралари натижалари юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

– Мамлакатларимиз Президентлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорлигимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, – деди М.Фрадков. – Мазкур музокаралар чоғида мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган кўп томонлама шериклик, стратегик ва иттифоқчилик алоқаларини ривожлантиришдан, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мен Тошкентга бундан 10 йил аввал келган эдим. Ўтган вақт мобайнида Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетганига гувоҳ бўлдим. Мени айниқса шаҳар маркази, унинг кенг майдон ва кўчалари ҳайратга солди.

Анна ИВАНОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбирлари.

ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали мажлисга Ватанимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоҳий масалалар бўйича маслаҳатчилар, иқтидорли қизлар таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзийдиган тажриба тўпланган эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари – она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари даъват этишда муҳим омил бўлмоқда.Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклаб, ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Улбосин Оринбоева, Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи талабаси Зебунисо Муродова, шунингдек, Тошкентдаги 14-болалар жарроҳлиги касалхонаси бош шифокори Моҳиба Обидова, Сергели тумани Жомий номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Ҳайдарова юртимизда хотин-қизларни, жумладан, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шароитларни яратиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг куй-қўшиқ ва рақслари тадбирга файз бахш этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА.

ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ – АМАЛДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий ҳамкорлик борасида гапирганда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттаэил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг салмоқли қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди. Хусусан, ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди. Авваллги йилларда бу кўрсаткич 300 минг тонна атрофида эди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз элликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари – савдо, энергетика, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлашади. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастур таъминоти, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда «Газпром» ва «Лукойл» компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш, магистрал қувурларни ривожлантириш, янги конларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерациясининг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда бир неча йилдан буён Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатаётгани, ўтган йили М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент филиали илк талабаларни қабул қилгани бунга яхши мисолдир.

Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда.

М.Фрадков Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифидан кўзланган асосий мақсад савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама этишдан иборат эканлигини таъкидлади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Мудофаа вазирлигида

АЁЛ – КЎНГЛИМИЗДАГИ БАҲОР

Президентимизнинг шундай гаплари бор: «Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта». Ҳа, оналаримизга, аёлларимизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳатто кафтимизда кўтариб юрсак кам.

Аёлларимизни баҳорга, гулга ўхшатамиз. Бу бежиз эмас. Аёл кўнглимиздаги баҳор, кўнглимиздаги энг сара гул – муҳаббатдир. Уларга таъриф бериб туриб, ҳатто ҳар тонг қуёшни уйғотади, деймиз. Бу ўзбек аёлига, аёлларимизга берилган таъриф. Уларга меҳр билан қаранг, муҳаббат билан қаранг. Шунда қуёшдек мунаввар, баҳордек латофатли эканлигини англайсиз, ҳис қиласиз.

Бугун давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳасида, қўйингки, барча жабҳада, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда аёлларимизнинг хизматлари беқиёс эканлигини яхши биламиз. Дарҳақиқат, истиқлол аёлларимизнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини янада оширди. Уларни келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги устувор мақсадларимиз сари руҳлантирмоқда.

Шундай аёллар бор. Уларни Ватан ҳимояси йўлидаги бурч янада гўзал қилган. Эгнига ҳарбий либос кийгани борми ёки Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида хизмат қилаётгани борми, бари том маънодаги гўзалларимиздир. Негаки улар миллий армиямиз қурилишида, янада такомиллашувида эркаклар билан бир сафда туриб, мардонавор хизмат қилиб келишяпти. Негаки улар баъзилардек фақат ўзининг ҳаловатини ўйламади. Юртининг, халқининг ҳаловатини қўришни касб қилди. Тўмарис момомизнинг юрт ҳимояси йўлидаги жасорати, матонати, қатъияти, шижоатини қайта аланга олдиришди.

Мудофаа вазирлигида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу фикрлар хаёлдан ўтди.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев мазкур халқаро сана муносабати билан хотин-қизларни табриклар экан, давлатимиз раҳбарияти томонидан аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаолликларини шакллантириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилиб келинаётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, эркаклар билан бир сафда мардонавор хизмат қилиб, миллий армиямизда кечаётган ислоҳотларда фаол қатнашаётган шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари – Светлана Карабаева, Екатерина Хилько, Анастасия Журавлёва, Қуролли Кучлар хизматчилари Манзура Исмоилова, Салима Тўраева кабиларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқларига кўра шартнома бўйича хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат бир гуруҳ хотин-қизлар эсдалик нишон, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Тақдирланганлар сафида ҳамкасбларимиз «Ватанпарвар» газетаси мухбирлари Зулфия Юнусова ва Инобат Иброҳимовалар нинг ҳам борлиги қувонарлидир.

Тантанали тадбирга куй-қўшиқлар янада жозиба, янада файз олиб кирди.

Майор Алижон САФАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ҲАРБИЙЛИК – ЙИГИТГА ҒУРУР

Мамлакатимиз раҳбарининг маърузаларидан бирида шундай сўзлар бор: «Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда».

Дарҳақиқат, бугун юзлаб ёшларимиз учун ҳарбий хизмат том маънода шон-шараф ишига айланди. Мамлакат Қуролли Кучларида олиб борилган изчил ислоҳотлар миллий армия нуфузини салмоқли даражада оширди. Миллий армия сафларида хизмат қилаётган ўғлонлар ҳам бундан ўн йиллар аввал хизматда бўлган йигитлардан кескин фарқ қиладилар. Улар ҳарбий хизматга қадар талаблари ғоят мураккаб бўлган, адолат тамойилларига асосланган синов мезонлари шартларини муваффақиятли бажарган, ҳар томонлама соғлом, етуклик остонасида турган ёшлардир.

Оддий аскар Аслиддин Бобоқуловнинг хизмат қилаётганига уч ойдан ошиб қолди. Бу албатта, жуда қисқа фурсат. Аммо ана шу давр ичида посбон йигит намунали хулқи, берилган топшириқларни ўз вақтида уддалаши билан командирлари назарига тушди. Келинг, шу ерда қисқагина Аслиддин вояга етган оила ҳақида тўхталайлик. Чунки инсон деган мукаррам зот, энг аввало, оилада шаклланади-да.

Уларнинг оиласи ҳам Каттақўрғон шаҳридаги минглаб хонадонлардан деярли фарқ қилмайди. Усмон ака – ҳайдовчи, Хурсантош опа – уй бекаси. Улар беш фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Ўғил-қизларнинг барчаси илмли, ўқимишли инсонлар. Аслиддин оилада кенжа фарзанд. У ҳам ака-опалари каби илмга чанқоқ бўлиб, даставвал Ўзбекистон миллий университети қошидаги Саъди Сирожиддинов номли академик лицейда таҳсил олди. Унинг бу ерга ўқишга келиши қўшнилари офицер Алишер Рашидовнинг маслаҳати билан бўлганди. Маҳаллада ҳамма ҳурмат қиладиган бу инсонга Аслиддиннинг ҳам меҳри бўлакча. Лицейдан сўнг яна бир дадил қадам ташланди. Бу Тошкент автомобиль йўллари институтидаги таҳсилдир. Тиришқоқ, интилувчан йигит мамлакатимиздаги энг нуфузли олий ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланган мазкур институтни ҳам муваффақиятли тамомлади. Энди эгаллаган мутахассислиги бўйича ишлаш керак. Йўқ, иш тўғрисида бироз олдинга кетибмиз. Бу ҳақда Аслиддиннинг ўзи гапиргани маъқул:

– Ҳарбий хизмат ҳақида билганларим акам Васлиддиннинг қизиқарли ҳикоялари, газета-журналларда ёритилган ҳарбий мавзудаги мақолалар, яна бироз лицейда ўтилган қисқа муддатли дарс жараёни эди. Мен мутахассислигим бўйича иш бошлашдан аввал, ҳарбий хизматни ўташга аҳд қилдим. Ҳозир бу борада ҳам биз – ёшларга катта имкониятлар яратилган. Ҳақиқий хизмат менинг тасаввурларимдан фарқ қилади, албатта. Аммо шу юртнинг фарзанди сифатида йигитлик бурчимни садоқат билан ўташни арзимаган қийинчиликлардан юксакроққа қўяман. Ҳарбий қисмда кутубхона мавжудлиги айниқса қувонарли, бунинг устига ҳам илмий, ҳам бадиий китобларга бой. Командирларимиз ҳам биз билан сидқидилдан ишлайдилар. Чунки ҳарб илми жуда мураккаб. Спорт билан шуғулланишга қулай шароитлар бор. Нокамтарлик бўлса-да, айтгим келди: яқинда югуриш мусобақасида биринчи ўринни олдим. Футболга ҳам қизиқаман. Дўстларим ҳам кўпаймоқда. Оддий аскарлар Улуғбек Холбобоев, Нарзулло Жўраевлар билан хизматнинг илк кунларидан биргамиз. Ҳарбий хизматга муносиб кўрилганимдан жуда хурсандман. Бугун бир нарсага жуда қаттиқ ишонаман – миллий армия сафларида хизматсиз комиллик, мукаммаллик бўлмайди.

Ҳа, ёш аскарнинг сўзларида ёшликка хос самимият барқ уриб турибди. Ҳарбий жамоада Аслиддин каби йигитларнинг кўплиги ютуқларнинг мўл бўлишини таъминлайди. Ҳар томонлама етук ёш аскар қисм қўмондонлигининг эътирофига сазовор бўлди. Бу эътироф кичиккина аскар конвертида эгаларига олам-олам қувонч бахш этадиган миннатдорчилик мактубида ўз аксини топган.

Ёш аскарни тинглаб, унга ишончим, ҳурматим ортди. Олий даргоҳда таҳсил олишнинг ўзи бўлмайди. Аъло баҳолар билан ўқиш баробарида ишлаб, уйдагиларга ёрдам бериш ҳам ҳаммаянинг қўлидан келавермайди. Аслиддин эса бу борада кўплаб тенгдошларига намуна бўла олади. Қисқагина фурсатда ҳарбий жамоада ўз ўрнини муносиб топганлиги боиси ҳам эҳтимол, ана шу меҳнатсеварлигида, яқинлари ташвишига елкадош бўлишни эплай олганидадир.

Республикамиз ҳаётида юз берадиган турли ўзгариш ва янгиликлардан бохабарлик, ўзини ҳам шу жараёнга боғлиқлигини англаш бугуннинг аскарига хос. Етукликнинг шаклланиши миллий армия сафларида ўзининг юқори поғоналарига кўтарилади. Аскарлар билан суҳбат жараёнида уларнинг ҳар бири мамлакати ва халқи унинг учун бор имкониятларни ишга солаётганини теран ҳис қилишини англаймиз. Демак, у керакли инсон, Ватан ҳимояси эса муқаддас, халқнинг ишончи жон қадар қадрли.

– Юртимиз тинчлиги, бахтли келажагини асраш, уни ёвуз кучлардан ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли вазифада менинг ҳам камтарона ҳиссам борлигидан ғурурланаман, – дейди оддий аскар Аслиддин Бобоқулов. – Муддатли ҳарбий хизматдан кейин ҳам армияда хизмат қилиш истагим бор. Бунда ҳаёт мактабининг таъсири сўзсиз каттадир.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

Изучаем поздравление Президента

ЗАДАЧА ОСОБОЙ, ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВАЖНОСТИ

В праздничном поздравлении Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова защитникам Родины, которое является программным документом для военных кадров, говорится: «Важнейшей задачей государства и нашего общества должно стать дальнейшее усиление целенаправленной работы по социальной защите военнослужащих и их семей, обеспечению их жильем, улучшению бытовых условий и медицинского обслуживания».

Надо отметить, что забота о социальной защите военнослужащих с первых дней создания нашей национальной армии всегда была в центре внимания руководства республики. Об этом говорят такие общеизвестные факты, что в самое трудное время переходного периода, когда страна делала только первые шаги по пути независимости, наше государство изыскивало необходимые средства, чтобы обеспечить военнослужащих всеми видами положенного им довольствия, регулярно выплачивало денежное содержание. В октябре 1994 года вышло Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных льготах военнослужащим срочной службы и членам их семей», которым военнослужащим срочной службы и курсантам военных и специальных учебных заведений Министерства обороны, Министерства внутренних дел и Службы национальной безопасности ежемесячное денежное содержание повышалось в 3 раза. Время прохождения срочной военной службы засчитывалось в их трудовой стаж из расчета один месяц службы за два месяца работы, устанавливалась льгота при поступлении в вузы, а семья военнослужащего срочной службы освобождалась от уплаты земельного налога на весь период прохождения военнослужащим срочной военной службы.

Это постановление имело огромное общественно-политическое значение. Установленные льготы обеспечивали социальную защиту многих тысяч семей, которые вскормили и воспитали достойных сынов Отчизны – защитников независимой Родины. Они же укрепляли социальное положение военнослужащих и создали им благоприятные условия для поступления в вузы после окончания военной службы и при наличии соответствующих Рекомендаций командования.

Особое внимание к проблемам социальной защиты военнослужащих руководство республики проявляет в последние годы, связанные с реализацией программных установок военного реформирования. И это естественно, потому что военные реформы совершаются и ради человека в погонах – его социальной обеспеченности и материального благополучия.

Поистине отеческим проявлением заботы Президента страны и правительства республики о военнослужащих срочной службы явилось **Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 мая 2003 года «О дополнительных льготах военнослужащим, проходящим срочную военную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан на должностях рядового и сержантского состава».** Согласно этому постановлению должностные оклады солдат срочной службы увеличены в два раза, а сумма выходного пособия при увольнении с военной службы – до восьми минимальных заработных плат. Этим же постановлением было определено, что отслужившие срочную службу военнослужащие, при наличии соответствующих Рекомендаций командования части, при поступлении в высшие учебные заведения имеют льготы при тестовых испытаниях.

Дальнейшие успехи экономики страны позволили нашему государству вновь и вновь обращаться к решению целого комплекса социальных вопросов военнослужащих, что нашло свое конкретное отражение в последующих постановлениях Президента страны и правительства республики. В результате этих постановлений с 1 января 2005 года энергетическая ценность суточного рациона питания военнослужащих была увеличена с 3800 до 4500 килокалорий. Сегодня на солдатском столе не только высококалорийная, но и витаминизированная пища, молоко, свежие овощи, фрукты, соки, витамины.

Денежное содержание военнослужащих возросло в среднем на 35 процентов, а размер выходного пособия военнослужащих срочной службы при увольнении в резерв вырос **с 8 до 16 минимальных зарплат.** Увеличены ежемесячные надбавки за выслугу лет к окладу денежного содержания военнослужащим по контракту.

Вновь возросла льгота при поступлении отслужившим военную службу и имеющим Рекомендации командования войсковых частей в виде дополнительных баллов в размере до 25 процентов от их максимально набранного количества при тестовых испытаниях. Если же абитуриент не наберет необходимое количество баллов в отдельные профильные вузы, то он может быть зачислен в вуз на контрактной основе. В этом случае, при условии его активного участия в работе Общественного движения молодежи «Камолот», эта организация оплачивает такому студенту 35 процентов из общей суммы контракта в течение всего периода обучения.

В соответствии с установками Президента страны в Вооруженных Силах продолжается активная работа по улучшению жилищно-бытовых условий военнослужащих и членов их семей, по модернизации казарменного фонда, укреплению материально-технической базы частей и подразделений, улучшению медицинского обслуживания, внедрению в жизнь войск, в их систему управления, в процесс обучения современных компьютерных и информационных технологий, по всемерному развитию физической культуры и спорта. Сегодня наши Вооруженные Силы не на словах, а на деле ощущают повседневную заботу руководства страны и всего общества.

Президент страны, правительство республики, решая проблемы военного строительства, кардинальной военной реформы, постоянно держат в центре внимания вопросы социальной защиты военнослужащих, повышения престижа военной службы, улучшения условий прохождения срочной военной службы, службы контрактников и военных кадров Вооруженных Сил, а также вопросы стимулирования добросовестного труда офицеров, сержантов и солдат.

В этой связи огромное практическое значение приобретают **вопросы усиления социальной направленности в деятельности военных кадров** и, прежде всего, командиров, штабов и органов воспитательной работы, воспитания у них отношения к социальным проблемам, как к важнейшему государственному и общественно-политическому делу. Долг каждого командира, штаба, органа воспитательной работы – считать вопросы социальной обеспеченности военнослужащих одним из определяющих приоритетов их повседневной деятельности. Другими словами, умение создать благоприятные условия для службы, боевой и общественно-политической подготовки, для жизни и быта военнослужащих, членов их семей должно стать важнейшим императивом в деятельности командиров, штабов, органов воспитательной работы, работников тылового обеспечения и непременным критерием их политической, деловой зрелости и ответственности. Не будет преувеличением сказать, что наше государство за последние годы сделало все от него зависящее в материальном, финансовом, продовольственном, вещевом и в социальном обеспечении военнослужащих, чтобы оно соответствовало уровню мировых стандартов.

В армию, как известно, по конкурсу приходят юноши с крепким здоровьем. И здесь, в армии, здоровье солдата оберегается свято. Для этого существует хорошо организованное медицинское обеспечение. Санитарный надзор осуществляется не только профессионалами-медиками, но, прежде всего, командирами. Главное в их деятельности – профилактическая работа, предупреждение заболеваний, строгое соблюдение воинами правил личной гигиены, закаливание организма в ходе утренней физической зарядки, физической подготовки, занятий спортом.

Говоря о социальном обеспечении военнослужащих, не будем забывать и о духовной стороне этого дела. К услугам военнослужащих дома офицеров, клубы войсковых частей, комнаты отдыха в подразделениях, библиотеки, а также многочисленные музеи нашей страны, в которых ярким языком священных реликвий и исторических документов рассказывается о наших великих предках, боевых традициях героев-фронтовиков, о наших воинах, которые несут боевую службу сегодня, приумножая традиции старших поколений, надежно стоят на защите нашей независимой Родины.

Сегодня юноша, находящийся на военной службе, имеет все возможности для развития своих способностей и талантов, художественных вкусов и наклонностей. За последние годы значительно увеличилось обеспечение войск телевизорами, радиоприемниками, компьютерами. Рациональное использование этих средств, а также нашей республиканской и военной печати является мощным средством повышения действенности всех форм воспитательной работы и общественно-политической подготовки всех категорий военнослужащих.

Огромное значение в нашей армии придается физической подготовке военнослужащих и массовому развитию спорта. Воины активно участвуют в состязаниях по военно-прикладным, военно-техническим и другим видам спорта, достойно представляют нашу страну на Олимпийских играх, мировых, континентальных и национальных чемпионатах. Так, на недавних XV Азиатских играх спортсменами нашей страны завоевано 40 медалей, из них 22 медали добыты представителями Вооруженных Сил. Эти цифры наглядно подтверждают тот неоспоримый факт, что спортсмены Вооруженных Сил вносят весомый вклад в спортивные успехи страны, достойно защищают ее честь на мировой спортивной арене.

Как важнейшее социальное приобретение, необходимо подчеркнуть, что огромное влияние на повышение престижа военной службы оказало то, что ныне наша армия оснащена новейшей боевой техникой и оружием, компьютерными и информационными технологиями, имеет выход на Интернет. Ей присущи высокий интеллектуальный уровень, профессионализм и боевое мастерство, организованность, сплоченность, крепкая воинская дисциплина.

Много сделано нашим государством в деле социальной защиты военнослужащих. Оно и дальше считает своим важнейшим долгом усиление целенаправленной работы по социальной защите военнослужащих и их семей. **«Непреложное значение этой задачи, – говорит Президент, – обусловливается прежде всего тем, что в современных условиях только хорошо подготовленные, сильные, всесторонне оснащенные и социально обеспеченные Вооруженные Силы могут стать твердой опорой и надежной гарантией безопасности и стабильности, неприкосновенности границ и целостности страны, в конечном итоге, мира и спокойствия людей».** Эту истину мы должны всегда помнить и все делать, чтобы изо дня в день укреплялось боевое могущество Вооруженных Сил, росла их боевая готовность, укреплялась организованность и дисциплина. Наш долг – быть на уровне требований Верховного Главнокомандующего и времени, в котором мы живем.

Анфим ХЛЫЗОВ.

БАХТЛИ АЁЛ – ФИДОЙИ УСТОЗ

Сиз бахтлимисиз? Ушбу саволга жавоблар турлича бўлиши табиий. Чунки ҳар кимнинг бахт ҳақидаги тушунчаси, таассуроти ўзгача. Назаримда, бахт учун инсонга нима кераклигини унинг ўзигина белгилайди...

Римма Георгиевна билан бир бора мулоқотда бўлган инсон унинг сўзлари, фикр-мулоҳазаларидан, нигоҳларида акс этувчи самимийлик ва очиқкўнгиллигидан беихтиёр ҳис этадики, бу аёл ўз ҳаёти ва фаолиятидан мамнун. Севимли касби – ўқитувчиликка ўзини бағишлаган суҳбатдошим сал кам қирқ йил мобайнида ёшларга билим бериб келмоқда.

Жаннатмакон диёримизнинг Фарғона вилоятида дунёга келган Римма Колотова ёшлигидан техника йўналишидаги фанларга қизиққан ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини муваффақиятли тамомлаган. Мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатгач, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти педагоглар жамоасига танлов асосида қабул қилинган. Айни пайтда у табиий-илмий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлиб, муҳандислик графикаси фанидан курсантларга сабоқ беряпти.

– Баъзилар, бизнинг фанимиз кўпроқ бевосита чизмачилик билан боғлиқлиги боис, ўзлаштириш учун берилаётган материаллар курсантларда бир оз қийинчилик туғдириши мумкин деб ҳисоблайди. Аслида, бундай эмас. Машғулотлар мобайнида биз ҳар қандай жанговар техника учун умумий бўлган деталлар, таркибий қисмлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтамиз. Сўнгра, ўрганилган жисм чизмаси акс эттирилади. Ҳатто, техника деталларининг ўзаро бирлашуви, мослашуви ва жипслашуви ҳам чизма тарзда амалга оширилади. (Римма опанинг бу гаплари менга, тиббиёт билим юртларидаги сабоқларни ёдга солди. Биласизки, у ерда инсон ва кўплаб ҳайвонлар ички ва ташқи органларини чизиш тегишли фанларнинг таркибий қисмига киритилган). Курсантларнинг техникага, айниқса, жанговар техникага ниҳоятда қизиқишини инобатга олсак, машғулотлар улар учун нафақат янги билимлар олиш балки конструкторлик қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади, – дейди Римма Георгиевна.

Кўп йиллик педагогик тажрибага эга катта ўқитувчи олий ҳарбий билим юртида бир нечта ўқув қўлланмалари яратишда бош-қош бўлган, кўплаб илмий мақолалар муаллифи ҳамдир.

Севимли касби ҳақида фикр юритар экан, устоз шундай деди:

– Ўқитувчи учун ўз шогирдларининг камолини кўришдан ортиқ қувонч бағишловчи нарса бўлмаса керак. Олий ҳарбий билим юртимиз собиқ курсантлари муваффақияти, навбатдаги ғалабаси ҳақида эшитсам, доим қувонаман. Ҳар қандай чарчоқ ва ҳорғинлик бутунлай тарк этади мени, ўшандай пайтларда. Уларнинг ҳар бири билан жуда фахрланаман.

Ўз касбининг фидойилари, жонкуярлари муносиб тақдирланиши аниқ. Ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун жорий йили Президентимиз Фармонига кўра, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан кўплаб юртдошларимиз қаторида Римма Колотованинг ҳам юксак мукофот билан тақдирланишидан айниқса ҳамкасблари, шогирдлари жуда мамнун бўлдилар. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига сазовор бўлган устозни барча чин дилдан табриклади.

Суҳбатимиз охирида, опа ҳукуматимиз томонидан ўқитувчиларга берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, ҳар томонлама ёрдам учун ўз миннатдорчилигини изҳор қилар экан «Юксак давлат мукофотига лойиқ топилишимда ҳамкасбларимнинг ҳиссаси катта», дейди у камтарлик билан.

Ҳа, биз севимли, ўзи меҳр қўйган касби билан машғул бўлганларни омадли, бахтли инсонлар деймиз. Демак, фидойи устоз Римма Колотова ҳам ҳавас қилса арзигулик фаолияти билан ана шундай юксак эътирофга лойиқдир.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Александр МРУЧАК суратга олган.

Қуролли Кучлар Академиясида

ИШОНЧНИ АЛБАТТА ОҚЛАЙМИЗ

Қуролли Кучлар Академиясида Штаб офицерларини тайёрлаш олий курслари тингловчиларининг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълумки, шахсан Президентимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони ташаббуси билан ташкил этилган мазкур курсларда тингловчилар қисқа вақт ичида ҳарб илми ва амалиётидаги энг сўнгги ўзгариш ва янгиликлардан, соҳада жорий этилган илғор тажрибалардан хабардор бўладилар. Бундай бўлиши бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳар томонлама билимдон, ахборот-таҳлилий ишлар борасида етарли тажрибага эга, сифатли даражада матн ва графика кўринишидаги жанговар ҳужжатларни ишлаб чиқа оладиган ҳақиқий профессионалларгина штаб офицерлари сафидан ўрин эгаллаши мумкин.

Тадбирда Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғи ўқиб эшиттирилди. Олти ойлик курсларда таҳсил олган офицерларга диплом ва академия кўкрак нишони тантанали равишда топширилди. Битирув имтиҳонларида юқори натижа кўрсатган офицерлар – М. Данилов, С.Карслиев, И.Ким, Б.Баҳриддинов ва А.Ханлар Бирлашган штаб бошлиғининг эсдалик нишони совриндори бўлдилар. Шунингдек, А.Покровский, А.Муҳамедов, Н.Қиличев сингари академия устоз офицерлари ҳам муносиб тақдирландилар.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан полковник М. Данилов курсларда яратилган шарт-шароитлар, берилган сифатли билим ва тегишли қўникмалар учун Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб ва Қуролли Кучлар Академияси қўмондонлигига миннатдорчилик билдирди.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда айтишим жоизки, мен ҳам ярим йил мобайнида олган билимларимни амалиётда самарали қўллайман, ўз устимда мунтазам ишлаб, юқори қўмондонлик томонидан билдирилаётган юксак ишончни, албатта оқлайман.

Подполковник Абдупатто АБДУҚОДИРОВ,
Қуролли Кучлар Академияси Штаб офицерларини тайёрлаш олий курслари битирувчиси.
Сергей СПИРИДОНОВ суратга олган.

РЕАЛИЗУЯ СТРАТЕГИЮ

Президент Республики Узбекистан И. Каримов в своем выступлении на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2006 году и важнейшим приоритетам углубления экономических реформ в 2007 году, обратил особое внимание на курс модернизации страны, как требование самого времени. Данный доклад главы государства – это документ, который несет в себе глубоко содержательный программный характер, ориентирующий руководящие кадры страны на самые прогрессивные и эффективные формы развития.

Здесь нельзя не сказать и о том, как важен доклад Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами для военных кадров. В нем содержится немало практических советов и рекомендаций, которые послужат профессорско-преподавательскому составу высших военно-образовательных учреждений направлением в решении практических задач в деле подготовки высококвалифицированных военных кадров для Вооруженных Сил.

В целях обмена накопленным передовым опытом методической работы, а также совершенствования учебно-воспитательного процесса и повышения качества подготовки специалистов, в Ташкентском высшем общевойсковом командном училище под председательством начальника ТВОКУ полковника М. Байбусова прошла Республиканская научно-методическая конференция по теме: «Внедрение инновационных технологий в учебный процесс в условиях реформирования высшего образования».

В работе конференции приняли участие специалисты Ташкентского ВОКУ, Академии МВД, ЧВТКИУ, СВВАКИУ, ДВВАУ, Специального факультета Министерства обороны при ТУИТ, Национального университета Узбекистана, Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами, Ташкентского государственного технического университета, Ташкентского финансового инетитута, Центра развития высшего и среднего специального, профессионального образования.

В ходе конференции были заслушаны доклады кандидата технических наук подполковника Н. Бекмурзаева, доктора филологических наук профессора Н. Жабборова, кандидатов физико-математических наук Р. Ражаббаева, Н. Болтаева, доктора педагогических наук профессора Э. Сейтхалилова, майора С. Якубова и других докладчиков.

По итогам конференции была обозначена дальнейшая межвузовская совместная концепция по реализации задач по актуальным вопросам инновационных технологий, определенных в докладе Президента страны, приняты соответствующие решения.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ.
Фото Александра МРУЧАКА.

БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ ОЛДИДАН

“ARMIYA – HAYOT MAKTABI”

Ota-onalar, keng jamoatchilik 2006 yilning bahorida farzandlari – chaqiriluvchilarning muddatli harbiy xizmatga “Armiya – hayot maktabi” nomli eslatma bilan kuzatilganini yaxshi eslashsa kerak. Mudofaa vazirligining tashabbusi bilan kirill, lotin alifbosidagi o‘zbek tilida va rus tilida chop etilgan eslatma muddatli harbiy xizmatchilarimizning Qurolli Kuchlarimiz tashkil topishi, uning huquqiy poydevori, mudofaa sohasidagi siyosatimizni, milliy armiyamizda amalga oshirilayotgan islohotlar mazmun-mohiyatini yanada chuqurroq anglashlarida, o‘z haq-huquqlarini, burch va majburiyatlarini bilib olishlarida muhim ahamiyat kasb etmoqda, deya baralla aytishimiz mumkin.

Quvonarlisi shundaki, eslatma joriy yilda yanada takomillashtirilib, zarur ma’lumotlar bilan boyitilib, lotin alifbosidagi o‘zbek tilida qayta chop etilayapti.

Eslatmadan Davlat madhiyasi, Harbiy qasamyod, O‘zbekiston askariga murojaat, O‘zbekiston Respublikasining Qurolli Kuchlari tashkil topishi, milliy armiyamizdagi islohotlar, oliy harbiy bilim yurtlari, Umumharbiy nizomlar, muddatli harbiy xizmatchilarga yaratilgan imtiyozlar bilan bog’liq ma’lumotlar o’rin egallagan.

Harbiy texnika va qurol-aslaha bilan muomala qilish madaniyatini oshirish, o‘qotar qurollarning va harbiy texnikaning taktik-texnik tafsiflari bilan bog’liq yangi boblar posbonlarimizning harbiy bilimlarni yanada mukammal egallashlarida muhim ahamiyat kasb etadi.

Yondaftarcha shaklida, askar doimo yonida olib yurishga mo‘ljallangan ixchamgina eslatma muddatli harbiy xizmatchining eng yaqin hamrohi, do‘sti, maslakdoshi bo‘lib, ma’lumotnoma, yo‘riqnoma sifatida xizmat qiladi.

Mana, navbatdagi bahorgi chaqiruv ham boshlanish arafasida. Demak, Qurolli Kuchlarimiz saflariga qo‘shilajak o‘g‘lonlarimiz boyitilgan, mazmun-mohiyati yanada takomillashtirilgan eslatma bilan tanishishar ekan, hayot maktabi bo‘lgan milliy armiyamiz haqida yanada keng ma’lumotlarga ega bo‘lishadi. Istiqlolimiz, Vatanni munosib himoya qilishib, konstitutsiyaviy burchlarini yanada sharaf, yanada faxr bilan o‘tashadi.

O‘z muxbirimiz.

ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Икки йилча муқаддам, аниқроғи 2005 йилнинг 4 мартида Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори эълон қилинганди. Таъбир жоиз бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қарор чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимидаги ислоҳотларимизнинг янги бир босқичга кўтарилганини кўрсатди. Ўша тарихий сессиядан, яъни иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидан эътиборан бу тизимда муҳим ўзгаришлар бўлганини яхши биламиз. Президентимизнинг маърузасида янграган қуйидаги фикрлари ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглаб турибди: «Қани айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади?».

Хуллас, тилга олинаётган Қарорнинг учинчи бандида фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, резервга бўшатилганларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби борасида Низом ишлаб чиқилиши ҳақида кўрсатма бор эди. Мана, бугунга келиб, юрт ҳимоясига отланган шерюракларимизни кенг жамоатчилик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари зўр тантана билан кузатишмоқда, резервга бўшаган ўғлонларини шодиёна билан кутиб олишаяпти. Анъаналаримиз яна биттага кўпайди, десак хатога йўл қўймаган бўламиз.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда қабул қилинаётган қарор ва ҳужжатларда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилиш, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилиши, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминлашдек муҳим вазифалар илгари сурилиб, бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чақирилувчининг муайян мезонларга асосланган кўрик-танловдан ўтиши унинг ҳар томонлама сараланишига, миллий армиямиз сафлари асл ўғлонлар ҳисобига бутланишини таъминламоқда.

Ҳадемай баҳорги чақирув бошланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жойларда вилоят, туман мудофаа ишлари бўлим, бошқармалари аллақачон тайёргарлик ишларини авж олдириб юборган. Масалан, чақирилувчининг ижтимоий аҳволи, унинг қандай оилада ўсиб-улғайгани, маҳалла-кўйдаги обрў-эътибори ва ҳоказолар ўрганиляпти. Чақирилувчилар, уларнинг яқинлари билан суҳбатлар ўтказиляпти.

Бугун баралла айта оламизки, ёшларимизни чақирувга қадар ҳарбий хизматга тайёрлаш масаласига ҳам эътибор катта. Йигит чақирувга қадар бошланғич тайёргарликдан ўтади, ҳарбий-техник мутахассислиги борасида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида таълим олади. Ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёргарлик кўради. Маълумки, бунинг учун ҳарбий лицейларда, умумтаълим мактабларида, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида замон талаблари асосида билим олиш имконияти бор. Чақирилувчининг жисмоний тайёргарлиги, даволаш-соғломлаштириш ишлари, умумтаълим тайёргарлиги спорт жамиятлари ва клублари, даволаш муассасалари томонидан амалга оширилиши қонун билан белгилаб берилган.

Шу ўринда бир савол туғилади. Ортда қолган 2006 йилнинг кузги чақирувида нималарга эришдик, қандайин хато ва камчиликларга йўл қўйдик, деган. Негаки, амалга оширилган ишлар таҳлили тегишли сабоқлар чиқаришга, провардида чақирув сифатининг ошишига хизмат қилади. 2005 йилнинг кузига нисбатан қиёсланганда натижалар қониқарли эканлиги ойдинлашади. Айниқса, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ, Шарқий ҳарбий округда. Бу чақирув билан боғлиқ ишларни сифатли ташкил этгани учун Наманган вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими офицер М.Қаландаров Мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирланганида ёки Сурхондарё вилоят Узун тумани мудофаа ишлари бўлими масъул ходими офицер Х.Турсуновга Мудофаа вазирининг буйруғига биноан миннатдорчилик эълон қилинганида ҳам намоён бўлади.

Бироқ ҳали чақирув комиссиялари иши, замонавий талабларга жавоб бермайдиган чақирув пунктлари билан боғлиқ муаммолар борки, булар йўлимизга тўғаноқ бўлмоқда. Айниқса, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида бу борада муаммолар борлиги жойларда маҳаллий ҳокимиятнинг давлат аҳамиятига эга устувор вазифага бефарқ муносабатини кўрсатади. Яқинда бўлиб ўтган ҳарбий кенгашда бу муҳим вазифаларга Мудофаа вазири бежиз эътибор қаратмади. Айниқса, чақирув комиссиялари ишидаги нуқсонларга. Тан олиш керак, айримларда чақирув масаласига фақат ҳарбийларнинг ёки жойлардаги ҳарбий бошқарув органларининг иши деб қараш ҳалигача сақланиб қолган. Яхши биламиз, Қонунга биноан жойларда ҳоким ўринбосарлари чақирув комиссияларнинг раислари этиб тайинланиши чақирувнинг сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Чақирув комиссияси таркиби асосан давлат ва жамоат ташкилотлари «Камолот», «Нуроний», «Маҳалла» каби ташкилотларининг вакилларидан иборат бўлгани эса чақирилувчиларни саралашда адолатли қарор қабул қилинишида муҳим мезон бўляпти.

Ҳадемай саралланган асл мардлар Ватан юкин елкаларига олишиб, Ўзбекистони учун, унинг нурли истиқболи учун садоқат билан хизмат қилишга отланишади. Президентимиз фикри билан айтганда, ёшларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродасини тоблантиришга, қатъий ҳаётий позициясини шакллантиришга, энг муҳими, Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топишга шайланишади.

Майор Итолмас ҚУРБОНОВ.

ВАТАН ЧОРЛАЙДИ, ЎҒЛОНЛАРНИ

Оилада ўғил фарзанд туғилса ота-онаси яхши ният қилади. Яъни, ўғиллари ўсиб-улғайиб Ватан, эл корига камарбаста бўлсин, деб ният қилишади. Яхши ният ҳамиша ижобат бўлган. Бугунги кунда армияда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланиб улгурди. Қуролли Кучларимиз сафларида ҳам мана шундай мард ва жасур ўғлонлар қўпчиликни ташкил қилади. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда жойлардаги мудофаа ишлари бўлими ҳамда мактаб, лицей ва коллежларнинг ўрни беқиёсдир. Бу ерда йигитларимиз ҳарбий соҳа бўйича бошланғич билим ва кўникмаларни ўрганишмоқда.

Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган Учтепа қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежида Тошкент шаҳар ўқув муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича «Энг яхши ўқув-моддий базаси» кўрик-танловининг якуний босқичига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Танловнинг биринчи босқичи жорий йилнинг январь ойида туманлараро ўтказилган эди. Унда жами 114та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ҳамда 166та умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишганди.

– Тадбирни ўтказишдан асосий мақсадимиз, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими офицер Рашид Арамов, – чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани учун керак бўлган ўқув моддий базаларини яратиш, ёшларни ватанпарварлик, она юртимизга, халқимизга, Президентимизга содиқлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Тадбир аввалида иштирокчилар ёшларнинг таълим-тарбия олиш жараёнлари, хусусан, уларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги фани бўйича яратилган шарт-шароитлари билан яқиндан танишишди. Коллежда ўқувчиларнинг ҳарбий тайёргарлик бўйича етарли билим олишлари учун барча имкониятлар бор. Саф майдончаси, тир, тиббиёт, фуқаро ҳимояси, отиш тайёргарлиги ва ҳарбий хизмат асослари хоналари зарур жиҳоз ва техникалар билан таъминланган.

– Бизнинг коллежимизда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича барча шароитлар етарли, – дейди техника фанлари номзоди, доцент Раҳматжон Пўлатов. – Коллежлар орасида ўтказилган танловда ҳам биринчи ўринни эгаллашимиз бежизга эмас, албатта. Раҳбарият томонидан бизга жуда яхши имкониятлар яратилган. Ўқувчиларимизнинг кўпчилиги ушбу фанга катта қизиқиш билан қарайди. Учинчи курс талабаларининг аксарияти ҳарбий касбни танлашмоқда.

«Энг яхши ўқув-моддий базаси» кўрик-танлови якуний босқичига кўра Ҳамза туманидаги 155-сонли умумтаълим мактаби ва Учтепа туманидаги Қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи жамоалари биринчи ўринга сазовор деб топилди. Тошкент шаҳар мудофаа ишлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва Халқ таълими бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши, ғолиб жамоаларга Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширишди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган шўх куй ва қўшиқлар даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Энг илғор мутахассис

КИЧИК КОМАНДИРНИНГ ИЛК ҒАЛАБАСИ

Жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эгаллаган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар йили Қуролли Кучларимиз таркибида хизмат қилаётган офицер ва сержантлар ўртасида «Энг илғор мутахассис» танлови ўтказилади. Йилдан-йилга танловда иштирок этаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Бу эса танловнинг янада юқори савияда ўтишини таъминламоқда.

Шарқий ҳарбий округда шарафли ва масъулиятли вазифасини намунали тарзда ўтаб келаётган кичик сержант Шоҳрух Султоновнинг Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Энг илғор сержант» танловининг округ босқичида ғолиб бўлиши бежиз эмас, албатта. Эришилган ғалаба замирида улкан меҳнат ва матонат борлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, унинг ўз ҳарбий соҳасига, жисмоний ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратгани муваффақиятини таъминлаган асосий омиллардандир.

2004 йили сержантлар тайёрлаш мактабини аъло баҳоларга тугатиб, ўз хизмат вазифасини давом эттириб келаётган кичик командирга тиришқоқлик, ўз устида ишлаш, мутахассислиги бўйича билимларини мунтазам бойитиб бориши катта ёрдам берди. «Энг илғор сержант» номинациясида кичик командир посбонлар билан ишлаш, жисмоний тайёргарлик, отиш, тактик машғулотлар , Умумҳарбий низомлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда мутахассислиги бўйича тест ва амалий синовларидан муваффақиятли ўтиб илғорликни қўлга киритди.

Зиёли оилада туғилиб, вояга етган ўғлон ёшликдан ҳарбийликдек шарафли ва масъулиятли касбга қизиққан эди. Муддатли хизматни артиллериячилар ҳарбий қисмида ўташи эса бу қизиқишнинг амалга ошишида катта туртки бўлди. Уч йилдан буён шартнома асосида алоқачи вазифасида хизмат қилиб келаётган Шоҳрух бугун ҳарбий қисмнинг фахрига айланди. Сафдошлари унга ҳавас қилиб, у эгаллаган чўққига қараб интилишмоқда. Болаликдан спортнинг каратэ тури билан шуғулланиб келган йигит, бу ерда ҳам жисмоний тайёргарлик бўйича биринчиларда.

– Мен муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимдаёқ, ҳарбий касбга бўлган иштиёқим жуда баланд эди, – дейди қаҳрамонимиз. –Уч йилдан буён шартнома асосида хизмат қилиб келяпман. Шу давр мобайнида ҳарб илмининг сир-асрорларини малакали офицерлардан пухта ва чуқур ўргандим. Ҳозирда ҳам доимий изланиш ва ўқиш, ўз мутахассислигим бўйича янада маҳоратимни ошишида катта замин бўлмоқда. Бундан кейин ҳам ғолибликни қўлдан бермай, илғорлар сафидан жой олиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ва билдирилаётган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Ҳа, профессионал асосда шаклланаётган Қуролли Кучларимиз жанговар сафлари ҳар томонлама етук, ўз соҳасининг билимдони бўлган, ҳақиқий ватанпарвар, шарафли ва масъулиятли касбни ўз ҳаётларининг мазмуни, деб билган Ватан ҳимоячилари билан тўлиб бормоқда. Ишончимиз комилки, Шоҳрух Султонов каби илғор сержантлар ўз қўл остидаги посбонларни ҳам фидойи, мард ва жасур ўғлонлар қилиб тарбиялайдилар.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ,
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Бугунги курсант – эртанги офицер

ЮРАГИДА ҚАЙНОҚ ШИЖОАТ

Олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган курсантларга – эртанги офицерлар, профессионал асосга ўтаётган миллий армиямизнинг келажак таянчлари, энг асосийси, истиқлол ва осойишталик ҳимоячилари дея қараймиз.

Бугун ёшларимиз ҳарбий хизматга турли хил кўрик-танлов ва пухта синовлар билан ғоят юксак талаблар асосида сараланиб олинмоқда. Шу боис Қуролли Кучларимиз сафларидаги посбонларимизни энг сара, асл нор ўғлонлардан иборат десак хато қилмаймиз. Йигитларни армия сафларига кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари миллий менталитетимизга мос тарзда байрамона тарзда ўтказилиши қонун билан белгилаб қўйилгани, бу жараённинг давлат эътибори даражасида экани ҳарбий хизмат нуфузи қай даражада юксаклигини яққол кўрсатади. Армия – ҳаёт мактаби. Ҳарбий хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятлар фахр қилса арзигулик даражада. Шунингдек, ислоҳотлар босқичидан ҳарбий таълим муассасалари ҳам четда қолгани йўқ. Олий ҳарбий билим юртлари ҳамда сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим дастурлари такомиллаштирилиб, курсантларга чуқурлаштирилган билимлар берилияпти. Бу эса ўз навбатида бўлажак сардорларнинг ҳар томонлама етук, билимдон ва малакали, ўз ишининг ҳақиқий усталари бўлиб етишишида асосий омил бўлмоқда. Курсантлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг кенг дунёқарашли, чуқур билим ва теран мулоҳазали эканини дарров илғаб олаесиз. Сизга таништирмоқчи бўлганимиз, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 5-босқич курсанти, бўлажак танкчи-муҳандис Шуҳрат Арибжанов ҳам ана шундай сергайрат, шижоатли ва аълочи шунқорлардан.

Шуҳрат ҳарбий соҳага катта ҳавас ва қайноқ шижоат билан кириб келди. Унда асл профессионал посбонларга хос кўпгина жўшқин фазилатлар мужассам топгани келажаги порлоқ эканидан, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси ва устаси бўлиб етишишидан далолат беради. Зеро, йигит нимага интилаётганини, кўзлаган мақсад ва режалари, бунинг замирида қандай мазмунмоҳият мужассамлигини жуда яхши билади. Олижаноблик туйғуси, миллатпарварлик, ватанпарварлик, ғурур ва шараф ҳислари юрагида тўлиб тошган шунқор элюрт осойишталигини асрашдек улкан мақсадни кўзлаб, доимий масъулиятни елкасига олишдан, машаққату қийинчиликлардан асло чўчимасдан чин мардлар касбини танлади. Ҳарбий бўлишни, юрт посбони сифатида элу халққа хизмат қилишни устувор мақсад, ҳаёт мазмуни деб билди. Танлаган соҳасини чин дилдан севиб, эл тинчлигини асрашдек улуғвор вазифани энг эзгу иш деб ҳисоблади. Соҳанинг ҳақиқий профессионали, чинакам билимдони бўлишга қатъий азму шижоат айлади. Шу мақсадда ҳамон интилиш ва изланишда.

Бу йўлда албатта, ўзига хос синовлар, машаққат ва қийинчиликлар ҳам кам эмас. Бироқ қатъиятли ўғлон барчасини сабот билан енгиб ўтишга ўзида куч ва ирода топиб келмоқда. Интилганга толе ёр, деганларидек, мана, даетлабки поғона забт этилди – у бугун олий ҳарбий билим юрти курсанти. Юракдан интилган улкан орзусига эришиш борасида керакли йўлга тушиб олди. Энди у кунт билан ҳарбий билимларни эгаллашга киришган.

– Ишчи-зиёли оиласида кенжа фарзандман, – дейди у биз билан суҳбатда. – Асл мардлар касбини танлашимга аввало оила муҳитининг ҳам сезиларли таъсир кўрсатганини айтиб ўтишим керак. Айни пайтда армиямиз сафида офицерлик хизматини адо этаётган акам Умиджонга ҳавасим келарди. Оға сифатида унга суянар, доим ундан тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатлар сўраб турардим. Акам ҳам ўз навбатида имкон қадар кўмак беришга ҳаракат қилиб, мени қўллаб-қувватлади. Мана, бугун бўлажак офицер, яъни курсантман, акам изидан боряпман.

Барчага маълумки, ҳарбий хизмат ҳамиша дадиллик, шижоат, мардлигу жасоратни талаб этади. Бу соҳада фақат довюрак мардлар фаолият кўрсатишади. Масъулият ҳамда машаққат, хавф-хатарларга тик бориш, керак бўлса ватандошлар учун ҳатто, жондан ҳам кечиш посбон учун шарафли бурчдир. Бунинг учун кишидан жуда катта матонат, тоғдай улкан сабот, метиндай мустаҳкам ирода ва албатта, чуқур билим ва иқтидор талаб этилади.

– Ҳарбий соҳанинг мураккаб томонлари мени заррача ташвишлантирмайди, – дейди у. – Ҳақиқий мардларга хос илғор ва соҳанинг билимдони, асл профессионаллар сафида бўлмоқчиман. Билимимни мустаҳкамлаш ва бойитиш учун кутубхонадаги китоблардан, интернет саҳифаларидан жанговар техника ва қурол-яроғларга оид янги маълумотларни излаб топиб ўқишни канда қилмайман. Устозлар ўгити эса муҳим дастуриламал. Бизга сидқидилдан сабоқ бериб, тактик, муҳандислик, жисмоний ва жанговар тайёргарлик ҳамда бошқа йўналишларда тегишли билимларни ўргатаётган барча устозларга, командирларга, жумладан, офицерлар – Қаҳрамон Зоидов, Бекзод Давлетов ва Зафар Эшоновларга чуқур миннатдорчилик билдираман.

Таҳсил билан бирга қатор тўгаракларда ҳам мунтазам қатнашиб келаётган курсант Арибжанов билим ва иқтидорини янада кенгайтиришни кўзлайди. Сафдош дўстлари курсантлар Муҳиддин Раҳимов, Қосимжон Гофуров каби ўғлонлар билан эса барча йўналишларда мусобақадош. Етуклик сари интилаётган ўғлоннинг олий мақсади – маҳоратли офицер бўлиб, халқ хизматига камарбасталик.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.

ЎЗ КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

«Эркакни эркак, оилани оила қиладиган, умуман, ҳаётимизга маъно-мазмун бағишлайдиган, бизни одамийликка, мардликка ва олижаноб, ҳақиқий инсон бўлишга чорлайдиган аёлнинг меҳр-муҳаббати ва заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди», деган эди юртбошимиз Ислом Каримов. Дарҳақиқат, бугунги кунда аёл нафақат фарзандлар тарбиячиси, оила меҳригиёси, балки шу билан бирга мамлакатимизнинг ижимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келаётган фидойи инсон ҳамдир.

Аёл учун ҳаёт синовлари бир қадар мураккаб ва бисёр, десак хато бўлмайди. Ота уйида ўсган қизнинг ўзга хонадонга келин бўлиб, ўрин топиб кетишидан бошлаб, оналик бахтига эришиш йўлидаги қийинчиликлару хонадон соҳибаси сифатида оила иқлимини бирдек асраш унинг зиммасида. Шу билан бирга табиат аёлни ҳам билим ва иқтидорда эркакдан кам қилиб яратмаган. Бу дегани у ҳам ўқиб, жамият учун бирор фойдаси тегадиган касбни эгаллаб, юрт ривожига ҳисса қўшишга қодир. Шундай қилиб, оналик, соҳибалик, ишчи ходималик масъулияти унинг қирқта жони ҳақидаги мақол ва афсоналарни келтириб чиқарган бўлса, ажаб эмас.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Инобат Казакова ҳам мана шу ҳаёт синовларини оқила ва меҳнатсеварлиги, тиришқоқ ва билимдонлиги билан енгиб келаётган дилбар аёлларимиздан. Ҳарбий либоси ўзига ярашиб турган бу очиққўнгил ва ширинсухан аёл билан суҳбатлашар эканман, унинг қатъиятли ҳарбий хизматчи эканлигига амин бўлдим.

Инобат опа ҳозирда Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг юқумли касалликлар бўлимида катта ҳамшира лавозимида фаолият юритаяпти. Аслида у 1998 йилдан буён ҳарбийлар сафида. Яъни тиббиёт билим юртининг умумий ҳамшираlик йўналишини тугатган қаҳрамонимиз, 1997 йили госпиталга Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида ишга кирди. Хизмат давомида ҳарбийликка меҳри тушиб бир йилдан сўнг шартнома бўйича хизмат кичик сержанти лавозимида ўз фаолиятини давом эттирди. Мана ўн йилдирки, бу соҳада сидқидилдан хизмат қилиб келаяпти.

– Ҳарбий бўлишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Лекин шундай бўлса-да, ўз касбимни жуда севаман, фахрланаман. Ҳар жиҳатдан чидамли, сабр-тоқатли, иродали ва билимли аёлларгина ўз тақдирини ҳарбийлик соҳаси билан боғлай оладилар. Бу сифатларни эса барча ҳарбий аёлларимизга хос деб биламан. Ҳар доим вақтим тиғиз бўлса ҳам фарзандимнинг тарбияси учун вақт ажрата оламан. Унинг олдидаги оналик бурчимни меҳр билан мукаммал бажаришга ҳаракат қиламан.

Минглаб асрлик тажрибага эга турмуш қонунига биноан, эркак оилага асосан моддий кўмакдош бўлса, аёл маънавий таянчдир. Аёл қаерда, қандай вазифада ишламасин, аввало оналик вазифасини уддалаши лозим. Бу ҳам бўлса, унинг нозик елкасига юкланган ҳаёт синовларидан биридир. Айниқса, ҳарбий хизматдаги аёлга бу осон эмас, албатта.

– Инобатхон мана шунча йилдан бери ўзини фақат ижобий томондан кўрсатиб, аъло даражада хизмат қилиб келмоқда, – дейди юқумли касалликлар бўлими бошлиғи подполковник Маҳмаражаб Раҳмонов. – У ўз касбини жуда севади. Шу боис, вазифасига масъулият билан ёндашади. Агар бошқа ҳамширалардан ҳам сўраб суриштирсангиз, менинг фикрим нечоғлик тўғри эканлигига ўзингиз амин бўласиз.

Мен худди шундай йўл тутдим. Инобат опа билан бирга хизмат қилаётган Лаура Алиева ва Нодира Маҳкамова билан суҳбатлашдим. Уларга мақсадимни билдирган эдим, Инобат опанинг ўз касбини яхши билишидан тортиб, хушфеъллиги, кўнгилчанлиги, унинг ҳам муолажа, ҳам ширин сўз билан даволашини ички бир мамнуният, миннатдорчилик билан айтишди.

Янги ювилиб, нозик дид билан дазмолланган оқ халати чиройига янада чирой қўшаётган Инобат опа ҳарбийлар даволанаётган палаталарни бирма-бир кўрсатди. Ҳар бир беморнинг «касаллик тарихи» ёзилган дафтарни варақламасдан кимнинг қаери оғриши, қандай муолажа қилинаётганини содда тилда айтиб, атрофлича тушунтирди.

Тиббий бўлимда бўлар эканмиз, озодалик, саранжом-саришталикдан дилимиз чароғон тортди. Бу ердаги шарт-шароитлар даволанувчиларнинг тезроқ шифо топиб кетишларида асосий омил бўлиб келаётганига бевосита гувоҳ бўлдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Мақсадга албатта етишиш»ни ўзига ҳаёт шиори қилиб олган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Инобат Казакована ҳеч иккиланмасдан масъулиятли ҳарбий хизматчи ва бахтли аёл, дейиш мумкин. Тилагимиз, ҳаёт беназир гўзаллик ва сабр-қаноат ортида бахт ато қилган иболи ўзбек аёлининг келажаги янада порлоқ бўлсин. Сафдошлари ва фарзанди Бегзоджон бу йўлда унга доимо елкадош ва таянч бўлаверишсин.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
Александр МРУЧАК
олган сурат.

Женщины в погонах

ЧЕЛОВЕК ГУМАННОЙ ПРОФЕССИИ

Служебная должность у младшего сержанта по контракту Светланы Турчак, на первый взгляд, самая что ни на есть обыкновенная, скромная и не окружена каким-либо особым романтическим ореолом. Она – представитель самой мирной и гуманной профессии на земле – медицинский работник, человек в белом халате, старшая медицинская сестра медицинского пункта одной из частей Караульных войск. Ее забота о здоровье воинов – и специальность, и любовь, и призвание.

А если еще учесть, что благодаря стараниям многих, в том числе и ее, большинство воинов по состоянию здоровья всегда готовы выполнять боевую службу, а заболевшие, получив необходимое лечение, быстро возвращаются в воинский строй, то можно смело сказать – должность у Светланы и нужная, и ответственная, и почетная.

Быть медиком она решила еще в школьные годы: хотелось делать людям добро. Светлана поступила учиться и с отличием закончила Чирчикское медицинское училище. Затем в течение ряда лет работает в городской детской больнице. Поработав медицинской сестрой в анестезиолого-реанимационном и физиотерапевтическом отделениях, со временем приобрела хорошие навыки и определенный опыт работы. И вроде бы все это должно было устраивать молодого специалиста, но ... желание работать на более ответственном, самостоятельном участке одерживает верх. И в октябре 2002 года Светлана приходит на контрактную службу в Караульные войска. С учетом имеющегося опыта работы в начале воинской службы она – санинструктор отдельно дислоцированного подразделения. Вот здесь-то осуществилось ее желание: представилась возможность самой предварительно определять заболевание, решать, какую первую медицинскую помощь оказать заболевшему воину и доставлять его, в случае необходимости, в лечебное учреждение. И с этими ответственными обязанностями она справляется успешно и заслуживает от воинов немало самых добрых и благодарственных слов.

Через год младший сержант С.Турчак – медсестра, затем старшая медсестра медицинского пункта части. В этот период службы по-прежнему обязанности ее многогранны, и главные из них: быть всегда на страже здоровья военнослужащих, постоянно следить за санитарным порядком в подразделениях, соблюдением личным составом правил личной гигиены, своевременно оказывать необходимую медицинскую помощь воинам для их скорейшего возвращения в строй. Кроме того, есть еще и чисто воинские обязанности: надо хорошо знать и четко исполнять уставные требования, занятия наравне с военнослужащими-мужчинами по боевой подготовке, порой с выездом на стрельбище и учебный полигон, дежурства и служебные командировки. И здесь она тоже в числе передовых. Так что ей к лицу и белый халат, и военная форма. Они как бы дополняют друг друга, показывают единство человеческой доброты, заботы о людях и уставной, разумной требовательности.

– О младшем сержанте Светлане Турчак можно говорить только хорошее, – характеризует ее начальник медицинской службы части капитан Баходир Ризаев, – ибо она специалист своего дела, всегда добросовестно выполняет служебные обязанности, проявляет большую заботу о том, чтобы каждый воин был здоров и мог в полном объеме выполнять боевые задачи. Одним словом, этот человек на своем месте. Кстати, такого же мнения придерживаются и начальник медицинского пункта части майор Мухарам Яныкина, и другие ее коллеги по службе.

...По-деловому, с высокими достижениями в службе встречают светлый весенний праздник младший сержант С.Турчак и другие военнослужащие-женщины. С праздником вас, наши добрые и неутомимые труженицы!

Н. НИКОЛАЕВ,
полковник в отставке.
Фото **автора.**

САЛОМАТЛИК БОҒИНИНГ ГУЛИ

Ҳар бир инсон ҳаётида саломатликнинг ўрни беқиёс. Танангиз соғ бўлса, фикрингиз аниқ, ишингизда унум ва барака бўлади. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги жанговар шайликда муҳим ўрин тутади. Шу боис қай бир қисмда бўлманг, посбонларнинг саломатлигига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳарбий ҳамшира, тиббий хизмат оддий аскари Гулнора Тоштемированинг ҳам ҳалол меҳнатини фикримизга далил сифатида бемалол кўрсатишимиз мумкин.

Ҳарбийликдек машаққатли касбни танлаган аёллар ҳақида мақола ёзмоқчи эканлигимизни айтганимизда, қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини бажариб келаётган офицер Шуҳрат Исмоилов бизга тиббиёт пункти хизматчиси малакали ҳамшира, тиббий хизмат оддий аскари Гулнора Тоштемировани тавсия қилди.

– Эгнига ҳарбий либос кийиб, жанговар хизмат машаққатларини муносиб енгиб ўтаётган қизларни кўрганимда, уларнинг иродасига, шижоат ва қатъиятига қойил қоламан, – дейди тиббий хизмат майори Абдувоҳид Ботиров. – Гулнора ҳам ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани шараф билан уддалай олганлардан бири. У ўз касбини жуда севади. Ширинсўзлиги, очиққўнгиллиги билан шахсий таркиб орасида ўзининг муносиб ўрнини топган.

Ёшлигидан зукко, қувноқ қизалоқ ҳарбийликка Наманган тиббиёт коллежида аъло баҳоларда ўқиб юрган пайтидаёқ ҳавас қилганди. Бугунги кунда орзуси рўёбга чиқиб, Гулнора қисм тиббиёт пунктида санитар-йўриқчи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Хизмат жойига етиб келиши билан ишни аввало ўзига бириктирилган бўлинмалардаги посбонларни эрталабки тиббий кўрикдан ўтказишдан бошлайди. Аскарларга керакли маслаҳатлар беради. Уларнинг тозалик ва шахсий гигиенага эътибор қилишларини таъкидлайди.

– Ҳарбий либос кийиб юрган аёлларни кўрганимда, уларга жуда ҳавасим келарди, ўшандаёқ, албатта ҳарбий бўламан, деб дилимдан ўтказгандим, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Мана, ҳарбийлик ҳаётига кириб келганимга ҳам беш йил бўлиб қолди. Ўз касбимни жуда севаман. Мард, жасур ўғлонлар билан бир сафда, Ватан осойишталигини асрашга ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман. Ўғлим Азизбекнинг ҳам ҳарбийликдек шарафли касб эгаси бўлишига тилакдошман.

Буни қарангки, Гулнорахонни турмуш ўртоғи офицер Абдусалом Тоштемиров ҳам Ватан ҳимоясига камарбаста бўлиб келаётган инсонлардан. Қизлари Зайнабхон ҳамда ўғиллари Азизбеклар спортнинг таэквондо тури билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Фарғона вилояти терма жамоаси аъзоси бўлмиш Зайнабхон таэквондо бўйича қора белбоғ соҳибаси бўлса, укаси Азизбек ҳам опасидан қолишмасликка ҳаракат қилиб келмоқда.

– Гулнора билан хизмат қилаётганимга анча йил бўлиб қолди, – дейди тиббий пункт ҳамшираси, тиббий хизмат кичик сержанти Ибодатхон Ҳамдамова. – У ўзининг интилувчанлиги, олижаноблиги, самимийлиги билан барчанинг қалбидан чуқур жой олган.

Термиз шаҳар шифохонасида, Марказий ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм тиббиёт пунктида анча йиллар ишлаб юқори тажриба ва малакага эга бўлган ҳамшира доимо посбонлар соғлиги учун қайғуриб, уларга ўзининг беминнат ёрдами ва доно маслаҳатларини бериб келмоқда. Ҳозирги хизмат жойида ҳарбий қисм командири томонидан бир қанча Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Албатта, бу ютуқлар унинг ўз устида тинимсиз ишлаши, устозларининг бой тажрибасини мукаммал эгаллаганлиги туфайлидир.

Аҳрор НОЗИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

Дунё – кўҳна бешик

«БУ ЕВРОПА, БУ ОСИЁ...»

МОНОГАМ ОИЛАГА «ДОЯ» БЎЛГАН ҚИТЪА

(Иккинчи мақола)

Эволюцион таълимот тарафдорлари бўлган қадимшунос олимларнинг эътироф этишларича, одам дастлаб Африка қитъасида пайдо бўлган, аниқроқ айтадиган бўлсак, у шу ерда ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан. У тур сифатида аста-секинлик билан кўпайиб, ўзининг табиий-ижтимоий маконини кенгайтириб боради. Тараққиётнинг маълум бир босқичида бу кенгайиш шу даражага етадики, одамзодга бешик бўлган макон – Африка замини энди унга торлик қилиб қолади ва бундан бир неча миллион йил аввал қадимги аждодларимизнинг саргузаштталаб вакиллари мангу иссиқ ўлкани тарк этиб, ўзлари учун ҳали номаълум бўлган диёр – Осиё сари равона бўлишади. Улар бизнинг қитъамизга ҳозирда бу икки қуруқликни бир-биридан ажратиб турган сунъий сув ҳавзаси – Сувайш канали ҳудуди орқали ўтишган. Ўша замонларда олд Осиё – Ўрта Ер денгизидан Форс кўрфазигача бўлган ҳудуд иқлими мўътадил, ёғингарчилик даражаси меъёрда бўлиб, тупроғи деҳқончилик ва чорвачилик учун ниҳоятда қулай бўлган.

14.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
15.30 Истиқбол тимсоллари.
15.40 «Марғилон – 2000 ёшда!»
15.45 Нафосат олами.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.00 «БУРЧ». Видеофильм. 5-қисм (якунловчи).
17.50 Каталог.
18.00 «Ҳандалак».
18.25 Кино-SMS.
18.30 Кўклам наволари.
18.50 Эълонлар.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёр сайёраси» дастури. 4-қисм.
20.20 Эълонлар.
20.30 Кино-SMS.
20.35 «Мафтункор ва бетакрор...»
20.40 SMS-мусиқа.
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.50 Кино-SMS.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 «Паноҳ». 2-қисм.
22.45 Жаҳон киноси: «Кактус».
00.15 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
9.20, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.45 «Дилкаш наволар».
10.10 «Маърифат фидойилари».
10.25 «Саломат бўлинг».
11.10 «Репортаж».
11.25 «Превосходство Борна».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Дикий мир.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.45 «Анонс».
22.50 «Деньги на двоих».
00.40 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.55 «Соғлом оила».
8.30 «Хабарлар» (рус тилида).
8.50 Мультфильм.
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Спорт – менинг ҳаётим».
10.10 «Смак».
10.50 «Цирк со звездами». Ток-шоу.
12.30 «Ақлидор».
13.20 «Стать ближе». Шоу-программа.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Курувчи» – «Локомотив». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.50 «Афросиёб».
18.00 «Болалар олами».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.15 «Файзли оилам».
19.35 «Фоторевю».
19.50 «Суперлото».
20.00 «Вести».
20.20 «Мусиқий тайм».
20.35 «Стиль».
20.50 «Звездный матч».
21.10 «Среда обитания».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 СМЕШНОЕ КИНО: ЛУИ ДЕ ФЮНЕС В ФИЛЬМЕ «МАЛЕНЬКИЙ КУПАЛЬЩИК».
23.15 «Турнир хитов».
23.40 «Империя кикбоксинга».

18 МАРТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Яшил водий сари». Мультфильм.
9.45 ТВ-анонс.
9.50 «Саломатлик сирлари».
10.10 «Оҳанрабо».
10.50 «Ҳамон ёдимда...»
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Ҳамон ёдимда...»
11.35 «Оила ришталари». Телесериал.
12.10 «Сиз куттан учрашув».
12.50 «CINEMA.UZ».
13.15 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар».
Ток-шоу.
16.10 «Наврўз оҳанглари».
16.20 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Зумрад ва Қиммат». Видеофильм.
17.40 ТВ-анонс.
17.45 «Одами эрсанг...»
18.05 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
18.35 «Дам бу дамдир...»
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50х50». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Заковат».
23.00 «Қўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Орзулар оғушида». Бадиий фильм.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
9.30 Орзулар майдони.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 «Марғилон – 2000 ёшда!»
11.25 Кино-SMS.
11.30 «Ер сайёраси» дастури. 4-қисм.
12.20 Ишқ ва наво.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
15.30 Газал мулки.
15.35 «Қаҳқаҳа».
16.10 Ринг қироллари.
17.00 Чемпион сирлари.
17.20 «Эверест». Интеллектуал телеўйин.
18.00 «Айланай»
18.20 Кино-SMS.
18.25 «Дилроз». Алишер Файз.
18.50 «Мафтункор ва бетакрор...»
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 «Куз эртаги». Сериал.
20.30 KINOMANIYA.
21.00 «Куз эртаги». Сериал.
22.20 Кино-SMS.
22.25 Э

БИР ҚЎЛИ БЕШИКНИ, БИР ҚЎЛИ ДУНЁНИ ТЕБРАТГУВЧИ ЗОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эгнига ҳарбий либос кийиб, юрт осойишталигини, тинчлигини қўришга эркаклар билан бир сафда туриб улкан улуш қўшаётган қизларимиз, аёлларимиз мардликда, жасоратда Тўмарис момомизнинг давомчиларидир. Бурч, яъни Ватан ҳимояси йўлидаги мардонавор хизмат уларни безайди, уларга зеб беради, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеи, ўз ўрни бор. Бунда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидаги устувор мақсадларимизнинг аҳамияти беқиёс. Маълумки, фуқаролик жамиятининг асосий белгиси давлатнинг вазифа ва ваколатларини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш орқали фуқаролар ижтимоий фаоллигини, демакки, сиёсий маданиятини оширишдан иборат. Хўш, бу борада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш мақсадида мамлакатимизда нима ишлар амалга оширилмоқда?

2004 йилнинг 25 майида Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур Фармон Хотин-қизлар қўмитасини фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантиришни кўзда тутди.

Яхши биламиз, бугун маърифий дунёда аёллар, хотин-қизлар манфаатига устувор аҳамият берилмоқда. Бу уларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган мақсадларда ўз аксини топади. Мазкур йўналишда эса Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли бор. Аввало бир нарсага эътибор қаратиш керак. 1995 йилнинг 2 мартидаёқ Президентимиз Фармони билан Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош вазир ўринбосари, жойларда вилоят, туман ҳокимларининг ўринбосарлари этиб тайинланди. Дунёнинг ҳамма мамлакатида ҳам бунақанги тажриба йўқ. Кўриниб турибдики, бу эзгу иш замирида аёлларимиз ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор бериш ётади. Ёки бир сўз билан айтганда, мазкур Фармон билан Хотин-қизлар қўмитаси фуқаролик жамиятининг бир институти сифатида белгиланди. Хўш, бу нималарда акс этмоқда?

Аёлларнинг ижтимоий фаолликларини ошириш, дедик. Маълумки, бунда бандлик масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу иш билан таъминланган, ишлаб даромад топадиган аёлгина ижтимоий фаол бўла олади, дегани. Яхши биламизки, ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик бу – давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими – буларнинг барчасида аёлларимиз фидокорона хизмат қилишмоқда. Бунда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни беқиёс бўлмоқда.

ЭГНИГА ҲАРБИЙ ЛИБОС КИЙИБ, ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИНИ, ТИНЧЛИГИНИ ҚЎРИШГА ЭРКАКЛАР БИЛАН БИР САФДА ТУРИБ УЛКАН УЛУШ ҚЎШАЁТГАН ҚИЗЛАРИМИЗ, АЁЛЛАРИМИЗ МАРДЛИКДА, ЖАСОРАТДА ТЎМАРИС МОМОМИЗНИНГ ДАВОМЧИЛАРИДИР.

Оилани, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳасида изчил сиёсат юритиш каби долзарб масалаларнинг ечимида ҳам мазкур институтнинг муҳим ўрни бўляпти.

Таъкидлаш жоизки, аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, аввало, хонадон бекалари дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича кўп-кўп ишлар амалга оширилмоқда. Буни шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, умуман, шу йўлда босқичма-босқич қилинаётган ишларда кўриш мумкин.

Халқаро миқёсда олиб қарайдиган бўлсак, мингйиллик саммитида илгари сурилган саккизта устувор йўналишдан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳам ўз олдига устувор мақсадларни қўяр экан, аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдек долзарб масалага эътибор қаратган. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан олган маълумотларимизга кўра, сўнгги пайтларда жаҳон ҳамжамияти аёлларнинг бошқарув органларидаги ролини ошириш, уларни қарорлар қабул қилинадиган жараёнларга тўла жалб этишдек муаммони илгари сурмоқда. Келинг, шу ўринда халқаро хотин-қизлар куни сифатида нишонланадиган сана – 8 мартнинг тарихи, мазмун-моҳияти борасида бироз тўхталиб ўтайлик.

Халқаро хотин-қизлар кунини ўтказиш ғояси XX асрнинг бошларида пайдо бўлди. Америкада 1909 йил 28 февралда илк бор аёллар куни нишонланди. 1910 йилда Копенгагенда халқаро аёллар куни таъсис этилиб, уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Орадан 1 йил ўтиб, илк бор халқаро хотин-қизлар куни Австрия, Германия, Дания ва Швейцарияда нишонланди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, халқаро сана илк бор нишонланган ўша пайтларда турли митинглар уюштирилиб, аёллар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси ўртага ташланди.

БМТнинг 1945 йилда қабул қилинган Низомидаёқ эркак ва аёл ҳуқуқларига, уларнинг тенглигига эътибор қаратилди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мазкур нуфузли халқаро ташкилот фаолиятининг илк давриданоқ бу масалага улкан эътибор қаратиб келмоқда. Аниқроғи, ҳуқуқий чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш; жамоатчилик фикрини ва халқаро ҳаракатларни сафарбар этиш; ўқув тайёргарлиги ва илмий тадқиқот; ночор гуруҳларга ёрдам бериш каби тўртта устувор йўналишда аёллар аҳволини яхшилаш масалалари ҳал этиб келинмоқда.

«Аёл деганда, кўз олдимизда аввалambор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта», дейди Президентимиз Ислом Каримов. Ҳа, бизда онага, аёлга эътибор, эҳтиром олий бир қадрият даражасига кўтарилган.

Хуллас, бу йўналишдаги ислоҳотларни, жамиятимизда аёлга бўлган муносабатни кузатар эканмиз, оналари, аёллари улуғланган миллатнинг, юртнинг келажаги буюк бўлишига яна бир бор амин бўламиз.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

ЗНАК МЕЖДУНАРОДНОГО ПРИЗНАНИЯ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

В настоящее время в МХСК повышают свое мастерство 450 спортсменов, в их числе 6 заслуженных спортсменов Республики Узбекистан, 35 мастеров спорта международного класса, 133 мастера спорта, 171 кандидат в мастера спорта. В национальные сборные страны по разным видам спорта входят 261 армейский спортсмен. Благодаря постоянной заботе Президента и правительства нашей страны независимый Узбекистан за пятнадцать лет своего суверенного развития прочно занял достойное место на мировой спортивной арене. И отрадно, что среди лидеров, прославляющих нашу Родину в мире, немало армейских атлетов. Их заслуги по достоинству оценены Отчизной. Самый последний пример – медаль «Шухрат», которой отмечены спортивные успехи боксера старшего лейтенанта Дильшода Махмудова.

В 1993 году Вооруженные Силы Республики Узбекистан вступили в Международный военный спортивный совет (CISM), который объединяет 127 стран мира, что позволило нашим армейским спортсменам участвовать в чемпионатах мира среди военнослужащих, Всемирных военных спортивных играх. Особенно удачно сложился для наших атлетов 2006 год, когда они выступили на чемпионатах мира среди военнослужащих по боксу, вольной и греко-римской борьбе, дзюдо, таэквондо, рукопашному бою, парашютному спорту. В упорной спортивной борьбе ими завоеваны 2-е командные места по боксу, таэквондо и дзюдо.

Это заметно повысило рейтинг нашего клуба в мировой «табели о рангах». По итогам прошлого года военные спортсмены Узбекистана заняли 9-е место среди 127 стран мира – прекрасный результат, которым стоит гордиться! Обо всем этом было сказано на чествовании спортсменов МХСК в выступлении первого заместителя министра обороны – начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан генерал-майора Виктора Махмудова.

Тепло поздравив награжденных с этим высоким знаком международного признания их мастерства, выступающий выразил уверенность в том, что и на Всемирных военных спортивных играх, которые пройдут в 2007 году в Индии, наши армейцы выступят также успешно.

Затем под аплодисменты собравшихся начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил вручил медаль «Золотая Звезда» Международного военного спортивного совета (CISM) младшему сержанту Михаилу Соколову (дзюдо), медаль «Серебряная Звезда» младшему сержанту Дамиру Захартдинову (вольная борьба), медали «Бронзовая Звезда» майору Уйгуну Сиддикову (тренер по боксу), старшему лейтенанту Дильшоду Махмудову (бокс), младшим сержантам Зинуру Хабибуллину (баскетбол) и Денису Здорикову (греко-римская борьба), рядовым по контракту Уткиру Салямову, Рамзиддину Саидову (дзюдо), Камолу Холматову (греко-римская борьба), Туляшбаю Дониерову, Шерзоду Абдурахманову, Бекзоду Хидирову и Шерзоду Хусанову (все – бокс).

С ответным словом на церемонии выступил начальник МХСК Хикматилла Касымов, выразивший признательность руководству Министерства обороны за постоянную заботу и внимание к армейским спортсменам, к созданию необходимых условий, а также заверивший, что атлеты в ответ на это приложат все силы для достойного выступления на мировой спортивной арене.

– Поистине, после этой церемонии мы еще раз смогли убедиться в том, что развитию спорта в нашей стране уделяется самое пристальное внимание, – говорит обладатель «Золотой Звезды» младший сержант Михаил Соколов. – Вот и в моем родном СВВАКИУ мне создаются все условия для тренировок и выступлений, что позволяет добиваться высоких результатов.

– Выраженная признательность высшего командования вдохновляет нас еще более настойчиво стремиться к победам на мировом ринге, – говорит обладатель «Бронзовой Звезды» старший тренер сборной МХСК по боксу майор Уйгун Сиддиков. – Только в начале года прошло наше чествование. А теперь вот вновь торжество. Вручены памятные медали от имени руководства Международного военного спортивного совета. Все это обязывает нас и впредь не снижать планку требовательности к себе и своим подопечным. Наша цель – еще выше поднять рейтинг независимого Узбекистана в мире, в том числе и на уровне армейского спорта.

– На недавно прошедшем в Бухаре чемпионате Узбекистана МХСК вновь занял 1-е место, – говорит обладатель «Бронзовой Звезды», игрок баскетбольной команды МХСК и сборной Узбекистана младший сержант Зинур Хабибуллин. – Надо отметить, что на этот раз нам составила серьезную конкуренцию команда из Навои, где в последнее время наблюдается заметный рост мастерства. Хотим заверить руководство, что армейские баскетболисты, составляющие основу сборной страны, и в этом году будут стремиться ответить на заботу новыми победами.

Ну что ж, этот приятный «звездопад» из штаб-квартиры CISM вдохновляет наших спортсменов на новые достижения. А нас, их преданных болельщиков и поклонников, наполняет чувством гордости за высокое признание заслуг армейцев Узбекистана на мировой спортивной арене.

Майор Алишер НУРОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ТАРҒИБОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳонда глобаллашув, мафкуравий курашлар, информацион таҳдидлар тобора авж олаётган бугунги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишларни янгича талаб ва мезонлар асосида ташкил қилишни вазият тақозо этаётир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғояси бу борадаги ишларимизда муҳим дастуриламал бўлади.

Айниқса, унинг замиридаги эзгу ғояларни ёшларимиз, ҳарбий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган курсантлар онгига чуқур сингдириш керак. Менимча, миллий истиқлол ғоясини тингловчи ва курсантларга ўргатиш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

– ўқув машғулотларини олиб боришда талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш;

– таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

– айрим тушунчаларни соддалаштириш, таълимнинг эскича услуб ва тамойилларини қўллаш натижасида фаннинг қадрсизланишига йўл қўймаслик;

– таълим-тарбия жараёнида маърифий асосда йўл тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътибор қаратиш;

– ўқитувчи ва тингловчилар орасида ўзаро ҳамфикрлик ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётий мисоллар, дунёда рўй бераётган воқеалар таҳлилидан, матбуот материалларидан кенг фойдаланиш;

– ғоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақида ёшларда ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;

– миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини талабаларнинг онгига сингдириш.

Таълим жараёнида юқоридаги жиҳатларга эътибор бериш шахсий таркибнинг маънавий-маърифий савиясини оширади, фуқаролар билан муомала маданияти юксак савияда шаклланишини таъминлайди, касбий ва ҳуқуқий билимларини, сиёсий онги, тафаккурини ўстиришда катта аҳамият касб этади.

Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказишни, халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги маънавий-мафкуравий оламни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Биргина мисол, аждодларимиз ва яқин ўтмишдаги авлодлар оддий чўплар ва ёғочлардан ясалган, миллий, оддий ва табиий ўйинчоқлардан фойдаланиб улғайишган. Ҳозирги пайтда эса сифатли маҳсулот ниқоби остида турли давлатларда ишлаб чиқарилган ўйинчоқларни мурғак гўдакларга тақдим қилишимиз билан ўша мамлакатлар маънавий таъсир қамровига тушиб қолиб, бегубор қалб эгалари бўлган болаларимиз психологияси ва дунёқарашини миллийликдан, бой маънавий меросимиз намуналаридан бегоналаштириб, улар онгу шуурини ёт ғоялар таъсирига топшириб қўйилмаётганмикин?

Шундай экан, ҳарбий соҳа вакиллари ҳам жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистонни, миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авайлаши, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ва бегона ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириши, уларни эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида бирлаштириши, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиши миллий истиқлол ғоясининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Катта лейтенант Ўктам ХОЛИҚОВ.

ЎЗИНГ УЛУҒ, ЎЗИНГ МУҚАДДАС

Юртимизга яшариш фасли баҳор билан бирга кўнгилга яқин гўзаллик байрами ҳам ташриф буюрди. Шу муносабат билан Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва бўлинмаларида ҳам турли-туман тадбирлар, учрашувлар, йигитлар билан ёнма-ён, бир сафда ҳарбий хизмат бурчинини шараф билан уддалаётган аёл-қизларимизни тақдирлаш маросимлари ўтказилмоқда. «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл», деб номланган ана шундай сермазмун тадбирлардан бири Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида ҳам бўлиб ўтди.

Байрамона тадбирлар, учрашувлар мазмунан бир-бирига яқин. Аммо улар ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Бу галги учрашув ҳам аввалгиларига ўхшамас, такрорланмас гўзал суҳбатлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида фаол иштирок этаётган, эл ардоғидаги ижодкор, олима, санъаткор аёллар – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси, таниқли шоира Зулфия Мўминова, Тошкент давлат авиация институти проректори, техника фанлари номзоди, профессор Ҳамида Ҳусниддинова, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли бош балетмейстери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Зиёда Мадраҳимовалар ҳарбийларимиз меҳмони бўлдилар.

Қизиқарли учрашув савол-жавобларга бой бўлди. Бу табиий, албатта. Ёшлар маънавий тарбиясида илм, маърифат, санъатнинг юксак ўрин тутиши ҳаммага маълум. Мартабали меҳмонлар эса ана шу соҳаларнинг билимдонлари, фидойилари ҳисобланишади. Демак, суҳбат ҳам шунга яраша ғоят сермазмун, кўнгилга яқин бўлади-да.

Мазкур тадбирга Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг иштироки алоҳида файз бахш этди. Айниқса, мумтоз ва замонавий қўшиқ ва рақслар гулдастаси томошабинларга ниҳоятда манзур бўлди. Ҳарбий санъаткорлар – Шуҳрат Дадажонов, Дониёр Қаршиев, Шерзод Имомбердиев, Камола Атаева, Нигора Тошматова, Нафиса Раҳматова, Заҳро Шамшихоноваларнинг чиқишлари йиғилганларга олам-олам завқ улашди. Учрашувни Баҳромжон Маҳмудов ҳамда Гавҳар Тешабоевалар олиб боришди.

Тадбир сўнггида давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган, мамлакат эртаси бўлган ёшлар, ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи аёлларга Мудофаа Вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари тантанали суратда топширилди. Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи бошлиғи ўринбосари подполковник Содиқжон Ортиқов Фахрий ёрлиқларни тантанали равишда топширар экан эл ардоғидаги, эл севган шоира, олима, санъаткор аёллар намояндаларидан бўлган ҳурматли меҳмонларга мазкур учрашувни янада гўзал ва дилга яқин қилган қизиқарли фикр-мулоҳазалари учун миннатдорлик билдириб, уларни нафосат байрами билан қизғин қутлади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг самимий мисралари билан ҳарбийларимизнинг ҳам севимли шоирасига айланган Зулфия Мўминовани суҳбатга чорладик:

– Мен шукуҳли байрам тантаналарида ҳарбийлар билан бирга эканлигимдан мамнунман. Уларнинг адабиётга, санъатга бўлган муҳаббатларини кўриб, чексиз қувонч ҳиссини туяман. Ўзингизга маълум, юртимизнинг эъзозли байрамлари Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида ҳар доим кўтаринки руҳда нишонланиб келинади. Бу гал янада мазмундорроқ, янада шукуҳлироқ ўтказишга интиляпмиз. 8 март байрами муносабати билан ҳарбийларнинг оилаларидан, ҳарбийларнинг оналаридан, аёлларидан, нафақадаги ҳарбий аёллар ҳолидан хабар олинади. Байрам тадбирларида жойлардаги хотин-қизлар кенгашлари вакиллари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Бундай тадбирларда Мудофаа вазирлиги билан яқин ҳамкорликда ишлашимиздан хурсандмиз. Онани куйламаган инсон йўқ. Аёлнинг қадр-қиммати, ҳаётдаги ўрни юксак. Аёл – она, опа, сингил сифатида қадри баланд. Демак, қадрли нарса, яъни аёл ҳамиша ҳимояга муҳтож. Юртимизнинг ўктам ўғлонлари, тинчлигимизнинг мустаҳкам қўрғони – ҳарбийлар биз, аёлларни кўз қорачиғидек асрашига ишонамиз. Мана шундай тадбирлар улар кўнглини сурурларга тўлдирсин, кучига куч, меҳрларига меҳр қўшсин.

Инобат ИБРОҲИМОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ҲАЁТИМИЗ ЧИРОҒИ

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби жамоасида ҳам хотин-қизларга алоҳида эҳтиром намунаси сифатида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам шодиёнаси ўтказилди.

Мактаб бошлиғи юридик фанлари доктори, профессор, генерал-майор Матрасул Собиров байрам тадбирини очар экан:

– Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уддабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир, – дея таъкидлади. – Президентимиз Ислом Каримов «Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», деб юксак баҳо бердилар. Бинобарин бизнинг олий даргоҳ жамоасида ҳам эгнига ҳарбий либос кийган кўплаб хотин-қизлар фаолият юритиб, биз билан бир сафда, елкама-елка масъулиятли хизмат бурчларини амалга оширмоқдалар.

– 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши, Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, олий даргоҳимизда ушбу давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш бўйича иш режа ишлаб чиққанмиз, – дейди мактаб хотин-қизлар кенгаши раиси, гуманитар-ижтимоий ва иқтисодий фанлар кафедраси бошлиғи ўринбосари, тарих фанлари номзоди майор Динара Ҳошимова. – Мазкур режамизга мувофиқ, мунтазам равишда мактабимиз хотин-қизларининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, нафақадаги аёллардан хабардор бўлиб туриш кенгашимиз зиммасига юклатилган. Байрам тадбирига оналар, хотин-қизларни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ўзгача файз бағишлади.

Катта лейтенант Ў.ХОЛИҚОВ.

ҲАШАР ВА МУРУВВАТ

3 март – Умумреспублика экология ва саломатлик куни муносабати билан мамлакатимиз меҳнаткашлари билан бирга Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг барча ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари умумхалқ ҳашарида иштирок этишди.

Мазкур ҳашарни самарали ва уюшқоқликда ўтказиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бошқарма ва унинг тасарруфидаги бино ва ҳудудларда тозалаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги 30-сонли меҳрибонлик уйида, 103-сонли ақли заиф болалар мактабида, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактабида ҳамда 52-сонли махсус мактабларда ҳашар ўтказиш мўлжалланган.

Бундан ташқари, 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳридаги 6 та меҳрибонлик уйи, 10 та мактаб-интернат, 3 та «Мурувват» уйларининг ҳисоб рақамларига 100 минг сўмдан ҳамда ногиронларга, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиш учун Тошкент шаҳар Қизил ярим ой ва Кўрлар жамиятлари ҳисоб рақамларига 50 минг сўмдан, жами 2 млн. сўм маблағ ажратиш масаласи бўйича Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти томонидан қарор қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот гуруҳи.

ЗА ТЕННИСНЫМ СТОЛОМ – «ПРИНЦЕССЫ»

Общественное движение молодежи «Камолот» впервые организовало соревнования по настольному теннису «Камолот» маликаси» («Принцесса «Камолота»), посвященное Международному женскому дню. Их основной целью является массовое привлечение девушек к спортивным занятиям.

До сегодняшнего дня проводились областные этапы соревнований: 15–25 февраля силами померились около тысячи молодых спортсменок. Из них 56 получили право на участие в республиканском туре.

Заключительный этап «Камолот» маликаси» состоялся 4– 6 марта в столичном спортивно-оздоровительном комплексе «Жар». В финальном туре участвовали команды девушек 13–16 лет из 12 областей, Республики Каракалпакстан и города Ташкента.

Этот турнир отличается от других тем, что на соревнованиях не было побежденных. В канун праздника 8 Марта все участницы получили специальные медали, дипломы и призы Общественного движения молодежи «Камолот» и других организаторов. Сюрпризом и самым большим подарком для трех участниц, приехавших из отдаленных сел республики, стало открытие кружков по настольному теннису в их махаллях.

Соревнования прошли на высоком уровне при поддержке Комитета женщин, Министерства по делам культуры и спорта, Министерства народного образования, Министерства внутренних дел, Министерства здравоохранения, Фонда «Махалля».

Лаура ЗАЙНИЛОВА, ученица школы № 171.



ФЕСТИВАЛЬ ПОСВЯЩАЕТСЯ ЖЕНЩИНАМ

Стало доброй традицией ежегодно проводить Фестиваль музыкального творчества «Жоним онажоним» среди дошкольно-образовательных учреждений Ташкентского и Чирчикского гарнизонов, приуроченный к Международному женскому дню 8 марта.

Ежегодно организуя данный фестиваль, отдел по работе с дошкольно-образовательными учреждениями Центра духовности и просветительства Министерства обороны ставит перед собой задачу сохранения духовных ценностей в воспитании подрастающего поколения в духе национальных традиций. Делается все необходимое для того, чтобы прививать детям дошкольного возраста любовь к своим мамам, бабушкам, любовь и преданность к Родине.

Вот и на этот раз, накануне праздника Весны, был проведен Фестиваль музыкального творчества с богатой программой. Дети дошкольных учреждений исполняли национальные лопары, песни, стихи узбекских поэтов. Также маленькие артисты демонстрировали зажигательные танцевальные композиции.

Наиболее отличившиеся дети были награждены подарками и ценными призами.

Соб.инф.

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

АНИҚ МАҚСАД САРИ

Ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, улардаги ватанпарварлик, она юртга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуларини янада шакллантириш ва кучайтириш, шунингдек, малакали мутахассислар тайёрлаш, ёш авлодни спортнинг техник, ҳарбий-амалий турларига қизиқтиришда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти кенгашлари қаторида Қорақалпоғистон Республика кенгашининг ўзига хос ўрни бор.

Айни пайтда туманларда фаолият кўрсатувчи 26 та спорт секцияларида 1000 нафарга яқин, бошланғич ташкилотларида эса 1328 нафар ўғил-қизлар спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланмоқдалар. Ташкилотнинг шаҳар, туман кенгашлари томонидан бўлғуси юрт посбонлари орасида турли байрамлар, муҳим саналарга бағишлаб ҳаво милтиғидан отиш, авиа, ракета ва автомодель, ёзги биатлон, курсантлар кўпкураши бўйича доимий равишда спорт мусобақалари ўтказилади. Бундай тадбирлар ёшларнинг жисмонан етук ва чиниққан ҳолда вояга етишида, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш билан лидерлик ва етакчилик қобилиятларини ҳамда жамоавий бирдамликни шакллантириш, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, қолаверса, спорт турларига қизиқтириш орқали қатнашчилар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Нукус автомобиль мактаби курсантлари, ҳар хил тўгараклар қатнашчилари, талаба ва ўқувчилар, муддатли ҳарбий хизматчилар учун ўтказилувчи маънавий-маърифий тадбирлар, адабий кечалар ва ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари эса уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва ақлий салоҳитини оширишга қаратилгандир.

МК «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республика кенгаши вакиллари 2007 йилни хушхабар билан қарши олдилар. Сабаби, Юртбошимиз Фармонига кўра, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мукофотланган ватандошларимиз сафида Нукус автомобиль мактаби амалий машқ устаси Бахитбой Қутлимуратов ҳам бор. У «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Аҳил ва жипс жамоа бу йилда ҳам ўз олдига улкан мақсадларни қўйган. Шубҳасизки, бутун диққат-эътибор ва саъй-ҳаракатлар уларни ҳаётга татбиқ этиш ва узвийлигини таъминлашга қаратилади.

Бахтиёр САИДОВ, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Переговоры прервались

Переговоры Японии и КНДР по вопросам нормализации отношений, начавшиеся во вьетнамской столице в контексте решения ядерной проблемы Пхеньяна, неожиданно прервались, что может негативно сказаться на всем процессе денуклеаризации Корейского полуострова. Об этом без объяснения причин сообщило Посольство КНДР во Вьетнаме.

Число погибших увеличивается

До 117 человек выросло число паломников-шиитов, погибших в результате двух терактов, совершенных накануне смертниками в иракском городе Эль-Хилла, сообщает Интерфакс. Как уже сообщалось, два взрыва прогремели в центре шиитской процессии в иракском городе Эль-Хилла, в 100 км к северу от Багдада. По данным местной полиции, двое смертников привели в действие закрепленные на теле взрывные устройства посреди группы паломников, направлявшихся в священный для шиитов город Кербела.

Похищен олимпийский флаг

В канадском городе Ванкувер накануне приезда делегации МОК с целью проверки хода подготовки к зимней Олимпиаде-2010 неизвестные похитили гигантский олимпийский флаг, развевавшийся перед зданием городской мэрии. Слабым утешением для городских властей может служить факт, что похищен не тот олимпийский флаг, который мэр Ванкувера получил на церемонии закрытия зимней Олимпиады-2006 в Турине.

Землетрясение на западе Ирана

Землетрясение магнитудой 4,8 балла по шкале Рихтера произошло в районе иранского города Даруд (западная провинция Луристан). В результате не менее 35 человек получили ранения. Данных о погибших нет. Об этом сообщает ИТАР–ТАСС со ссылкой на официальные иранские средства массовой информации.

«Boeing» загорелся при посадке

Самолет государственной индонезийской авиакомпании «Garuda» загорелся при посадке в аэропорту города Джокьякарта в центральной части индонезийского острова Ява. Огонь вспыхнул при посадке в районе переднего шасси и быстро распространился по всему корпусу самолета, на борту которого было 133 человека. Всего в катастрофе погиб 21 человек, 96 получили ранения, передает агентство Bloomberg.

Начался рост на биржах

Мировой фондовый рынок медленно начинает оправляться после недельного падения. 6 марта крупнейшие азиатские биржи закрылись с ростом в 1,5-2,5%. Вслед за азиатскими рынками осторожный подъем начался и в Европе. По мнению экспертов, стремительная и глубокая коррекция на азиатских рынках, которые слишком быстро росли в последнее время, закончилась.

Кто станет лидером

Франция хочет захватить лидерство в EADS, аэрокосмической корпорации, в которую входит «Airbus». Французская сторона пытается изменить структуру управления компанией в свою пользу, пишет газета «Время новостей». У немецких партнеров действия французов вызывают недоумение.

Запрет на мировую премьеру

Мировая премьера документального фильма о Джоне Ленноне «Three Days in the Life», составленного из редких съемок о легендарном «битле», была отменена из-за Йоко Оно. Адвокаты вдовы музыканта заявили, что она не разрешила этот фильм к публичному показу. Суть инцидента в авторских правах на фильм.

(www.NEWSru.com).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Тарбия ўчоғи

ЮРАКДА МУҲАББАТ РИШТАСИ

Дунёда касб-ҳунарнинг турлари кўп. Унинг эса яхши-ёмони бўлмайди. Лекин шундай шарафли касб эгалари борки, улар доимо халқимиз ардоғида. Яъни эл-юрт тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлида камарбаста бўлиб, туну кун хизмат қилаётган ҳарбийлардир. Биз бугун ана шу касбга меҳр қўйиб, уни ҳаётининг мазмуни деб билган бир ҳарбий оила ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Гўзал ва сўлим Фарғона воҳасининг Хонқиз қишлоғида дунёга келган Зиёджоннинг болалиги такрорланмас, ширин, беғубор ҳаёт оғушида ўтган. Болалигиданоқ тенгқурлари орасида ғайратлилиги, чаққонлиги билан ажралиб турган йигитча кўпроқ ҳарбий мавзудаги китобларни ўқир, киноларни севиб томоша қилар, бўш вақт бўлди дегунча, спорт билан шуғулланарди. Балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаёт йўлини танлаш имкони пайдо бўлганида эса, ҳеч иккиланмай ҳарбий соҳани танлади.

– Муддатли хизматни учувчилар ҳарбий қисмида ўтадим, – дейди сержант З.Абдуллаев. – Армия ҳаётига бўлган меҳрим мени ҳарбий билим юртига етаклади. Аммо омад келмади ёки тайёргарликларим яхши бўлмаган эканми, билим юрти курсанти бўлиш менга насиб этмади. Лекин ҳарбийликдек шарафли ва масъулиятли касбга бўлган қизиқишим сўнмади. Ота-онамнинг оқ фотиҳаларини олиб, шартнома асосидаги хизматга отландим. Мана Қуролли Кучларимиз сафларида хизматни бошлаганимга ҳам ўн беш йил бўлиб қолди. Шу давр ичида ҳарбий соҳанинг кўп қирраларини эгалладим, билим ва малакамни тинимсиз ошириб бордим.

Ҳозирда взвод командирининг ўринбосари вазифасида хизмат қилиб келаётган сержант ёш посбонларнинг яқин маслакдошидир. У хизмати давомида кўпгина ютуқларни қўлга киритди. 1994 йилда Қуролли Кучларда ўтказилган кўпкураш бўйича мусобақада қатнашиб, ўз вазнида чемпион бўлган. Ҳарбий қисм командири томонидан бир неча бор Фахрий ёрлиқ билан, Қуролли Кучларимиз 10 йиллиги ва 15 йиллигида эса эсдалик нишони билан тақдирланган.

– Сержант Зиёджон Абдуллаевнинг ҳарбий жамоамизда ўз ўрни бор, – дейди офицер Отабек Нафитдинов. – У ўз касбига меҳр қўйган. Вазифаларини доимо масъулият билан бажаради. Ўзининг инсонийлик, олижаноблик фазилатлари ила барчанинг қалбидан бирдай жой олиб улгурган.

У эришган ютуқларида турмуш ўртоғи Мукаррамхоннинг ўрни ниҳоятда катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Улар ҳали Зиёд ака ҳарбий касбга қадам қўймаган пайтдаёқ турмуш қуришган эди.

– Мукаррамхонни биринчи кўрганимдаёқ, юрагим жиз этганди. Кейин ота-оналаримизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у билан яқинроқ танишиб олдим, – дейди Зиёд ака. – Буни қарангки, ўз маҳалламда, яъни Хонқиз қишлоғида шундай ширинсухан, гўзал, дилбар бир қиз бор экан, билмай юрган эканман. Шу-шу ўртамиздаги муносабатлар соф муҳаббатга айланди. Биргаликда турмушнинг аччиқ-чучук дамларини тотиб, фарзандларимизни вояга етказиб, ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келмоқдамиз.

– Илк учрашувимизданоқ севги изҳор қилганлар, – дейди уялибгина Мукаррамхон. – Биз у киши билан бир мактабда ўқиганмиз. (Мен сизни ўша пайтда севганман, фақат айта олмаганман, суҳбатга қўшилади Зиёд ака). Оилада бир-биримизга елкадош, ҳамфикр бўлиб, тинч-тотув яшаяпмиз.

Ота-оналарининг қўллаб-қувватлашлари билан турмуш қурган бу жуфтлик, ҳозирда ҳавас қилса арзигулик оилалардан бири. Ширандан-шакар, гўзал ва барно уч қизнинг меҳрибон адажониси ва аяжониси, улар. Қизлари Дилафрўзхон, Дилшодахон ва Дилнавозхонлар ҳам келажакда ўзлари орзу қилган касб эгаси бўлиб, мустақил юртимизга муносиб фарзанд бўлишни ният қилишган.

Мукаррамхон Фарғона тиббиёт коллежини битириб, ҳозирда шаҳар ўсмир ва талабалар поликлиникасида ҳамшира вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Бўш вақтларида қизларини ёнига олиб, чеварчилик билан шуғулланади.

Ҳа, бу оилага ҳавас қилмасдан бўлмайди. Ахир бир-биридан лобар, ақлли, ҳаёли, иболи уч қизни тарбиялаб вояга етказган ота-она жаннати бўлади, дейишади-ку кексаларимиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

АЁЛ ЖАСОРАТИ

Аёл бўлиб туғилишнинг ўзи тақдирнинг буюк иноятидир, деган эди қозоқ адиби Мухтор Шайхов, чунки аёл эркакдан мунислиги билан, туйғуларининг теранлиги, кечиримли эканлиги билан ажралиб туради.

Тарихда аёллар нафақат оилани, балки бутун бир вилоятни ҳатто мамлакатни бошқаргани маълум. Улар ўзларининг беназир ақл-заковатлари билан юрт осойишталиги, ободончилиги ишларида эл ишончини қозонишган.

Кайковус ибн Искандар ўзининг «Қобуснома» асарида ана шундай жасур ва матонатли аёллар сирасига кирувчи Рай вилоятининг ҳукмдори Сайида Хотун ҳақида шундай ёзади: «Султон Маҳмуд Ғазнавий ибн Сабуктегин (998–1033) Рай ҳукмдори Фахриддин Давло вафотидан кейин бу юртни ўз ихтиёрига олмоқчи бўлди. Райни кичик ўғли Мажидиддин Давло номидан идора қилиб турган Сайида Хотун номига у элчи жўнатиб, жума намозида Султон Маҳмуднинг номини хутбага қўшиб ўқиттиришни, Султон Маҳмуд номи билан пул чиқарилишини талаб қилади. Акс ҳолда Райга ғазналик аскарлар бориб, мамлакатни эгаллаши ва Сайида Хотунни қатл этишини айтиб, нома йўллайди.

Сайида Хотун Маҳмуд Ғазнавийнинг дўқ-пўписасидан қўрқмай элчиларга шундай дадил жавоб беради: «Султон Маҳмудга шуни айтингки, менинг эрим Фахриддин Давло тириклигида Султоннинг Райга ҳужум қилиши мумкинлигидан ҳар вақт ҳавотирда турар эди. Эрим вафотидан кейин мен бу ҳақда хавотир олмай қўйдим. Чунки менинг назаримда Султон Маҳмуд ақл-фаросатли ҳукмдор. У хотин киши билан жангга киришишни ўзига эп кўрмаса керак. Шу нарса маълумки, шернинг эркагигина эмас, урғочиси ҳам хавфлидир. Агар у бизга ҳужум қилмоққа қарор қилса, у вақтда худо билади, мен жангдан қочмайман. Иккисидан бири бўлади: ё ғалаба мен томонда бўлади ёки мен енгиламан. Агар ғалаба менга насиб этса, у вақтда бутун дунёга элчилар жўнатиб, юзлаб ҳукмдорларни қўл остида сақлаган Султон Маҳмудни мен енгдим, деб мағрурона жар соламан. Агар менинг аскарларим тор-мор этилса, бутун дунё ҳукмдорлари Султон Маҳмуд хотин ҳукмдорни енгди, деб овоза қиладилар ва унинг номи тарих саҳнасидан йўқолади. Унга бундан ортиқ уят бўлмайди».

Сайида Хотуннинг доно ва дадил фикрларини тушунган Султон Маҳмуд Ғазнавий то бу аёл вафотигача бирор маротаба ҳам Райга ҳужум қилмайди. Гувоҳ бўлганингиздек, Сайида Хотуннинг ниҳоятда топқирлиги ва жасорати туфайли юрт тинчлиги сақланиб қолинади.

Амир Темур даврида ҳам сарой хотин-қизларининг мавқеи баланд бўлган. Соҳибқироннинг завжаси Бибихоним ёки Шоҳруҳ Мирзонинг аёли Гавҳаршодбегим ҳам нафақат ўғиллари ва набираларининг тарбиясида, балки мамлакатни бошқариш сиёсатида ҳам нуфузли ўринни эгаллаган, таъсири кучли аёллардан бўлган. Масалан, Бибихоним ўз замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор, маслаҳатдон ва етук ақл-заковат соҳибаси бўлган. У инсонпарвар, ватанпарвар, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан доимо хабардор бўлиб, салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган.



Гавҳаршодбегим эса ўз даврида девон ишларини бошқариб, вилоят ҳокимлари ва қўшин саркардаларини тайинлаш, ҳатто кимга қандай инъому, кимга қандай жазо бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Бобур Мирзонинг синглиси Хонзодабегим, қизи Гулбаданбегим, умуман, темурий маликалар илмда етук, камолотда танҳо, сиёсат ва адолат ишларида уддабуро ва доно аёллар сирасига киришган.

Ҳа, Пастернак ибораси билан айтганда, аёл бўлмоқлик жасоратдир. Бу ибора худди юқорида номлари зикр этилган аёлларга қарата айтилгандек. Шундай экан, биз доимо улар билан фахрланмоғимиз, ана шундай жасур ва матонатли аёлларнинг авлодлари эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Муслима ТУРСУНБАЕВА.

● Бахт-камолинг топмасин завол,
Гуллардан-да гўзалсан аёл.

ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

Сени гулга менгзадилар. Гулда гулнинг ифори бўлиши керак. Ой қизим, сочларинг бинафшазор, вужудинг навбаҳордир! Уни шу муаттарликда асра! Ўзингни ўзингдай асраш учун сувни сев, сувни ошно тут, сувпараст бўл! «Қиз бола» деб аталган гулгун чаманни ҳаргиз губор қопламасин, нопок либос ёпмасин. Бир кунда неча бор ювинсанг, ўшанча кам! Нопоклик ноҳушлик келтиради. Кир ювгиси, ювингиси келаверадиган қиз хонадон бахти ва у яшайдиган жой аттиристондир...

●

Сен гулга қара-я, тор жойда ҳам, кенг жойда ҳам, атрофи чиройлими, хунукми, унинг ёнида кулиб турибдиларми ё хўмрайиб, барибир, бирдай ифор тарқатиб, яшнаб тураверади, чунки унинг иқлими шундай! Чунки у – гул! Шу сенга ибрат бўлгай! Қандай шароит ва қандай кайфиятда бўлишингдан қатъи назар, қиз бола отинг борки, аёл зотисанки, зотингдай бўл – яшнаб, губорсиз ва муаттар тур!

БИР БАХТИНГ – СУРАТИНГ!

Ҳар бир юртнинг ўз тош-тарозуси, диди, орзу-истаклари ва кўникмалари бор. Мана шу ўзига хосликни бир Миллийлик деймиз ва уни авлоддан авлодга асосан аёллар ташийдилар, ўз фарзандларининг руҳига, юрагига сингдирадилар. Ва буни омон қолган миллий қадрият дейилади.

●

Дунё – барҳаёт жаранглаётган бир куй, ҳар миллат унинг бир пардаси. Дунё – яшнаб турган анвойи гулдаста, миллатлар унинг бетакрор гуллари! Дунё – камалак, ҳар миллат унинг бир ранги! Қизим, дилбандим, сенга илтижойим шу – тарихи тоза наслимиз ҳаққи қасам ич ва мени ишонтир: ки сен ва сендан тарқалганлар шу элнинг асл боласи бўласиз! Қай оҳанггадир эргашиб кетмайсиз, қай бир рангдадир сингишиб кетмайсиз, «дунё» деган куйнинг, «дунё» деган гулдаста, «дунё» деган камалакнинг соф ўзбекча пардаси, ўзбекча гули, ўзбекча ранги бўлиб яшайсиз, иншоаллоҳ!

Турсуной СОДИҚОВА.

«ЖАНГОВАР ҚАЛАМ» СОҲИБАСИ

Шеърият мухлислари таниқли шоира Зулфия Юнусовани «Армон қасри» шеърлар тўплами орқали яхши билишади. Шоира ушбу тўпламида Ватан, ишқ-муҳаббат ва бошқа мавзуларда жўшиб қалам тебратган. Бугун ҳукмингизга ҳавола этилаётган шеърларида ҳам шоира ўзининг азалий мавзуларига содиқ қолган. Ёзишга бўлган иштиёқи уни бундан бир неча йил аввал Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасига етаклаб келди. Мустақил Ўзбекистон ҳарбий журналистикасидаги илк аёл ижодкорлардан бири сифатида фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ Қуролли Кучларимизда муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олди. Шу боисдан ҳам унинг ҳар бир ёзган хабар, лавҳа, мақолаларида миллий армиямизнинг бугунги ҳаёти, бугунги қиёфаси акс этиб турибди.

Биз қалами тобора чаҳрланиб бораётган шоира, ҳарбий журналист Зулфия Юнусовага бундан кейинги фаолиятида ҳам ижодий муваффақиятлар тилаб, байрамингиз муборак бўлсин, деймиз.

ҚИЗ ТУҒИЛСИН ҲАР ХОНАДОНДА

Қиз туғилсин ҳар хонадонда,
Дилга малҳам бўлиб келсин у.
Нур бағишлаб ота маконга,
Меҳри сойдай тўлиб келсин у.

Фаришталар умрига ҳамроҳ,
Мушк-анбарга тўлсин йўллари.
Ҳаётига тушмасин тугун,
Тўкин бахтни тутсин қўллари.

Қиз туғилсин ҳар хонадонда,
Ҳаё мулки унга тож бўлсин.
Авайлаган ишқ қўрғонига,
Мард йигитлар соҳиб – бож бўлсин.

Авлодларга меҳрли ришта,
Ҳар юракка даво бўлсин-ей.
Йиллар ўтиб мисли фаришта,
Юртга суюк момо бўлсин-ей,
Қиз туғилсин ҳар хонадонда...

ЭЪЗОЗ ҚИЛИНГ, ЭРКАКЛАР

Сиз улуғсиз, забардастсиз, зеро,
бунга тараф йўқ
Нозик ниҳол аёлларга балки
бундай шараф йўқ.
Аммо минг-минг Алпомишлар
она ўрнин босолмас,
Мискин она бағричалик ҳаёт
ичра бир тафт йўқ.
Она учун четда турсин
у ғурурли юраклар,
Шу муштипар бағр учун
таъзим қилинг, эркаклар.

Аёл борки муҳаббат бор,
остонангиз бахтга ёр.
Ортда қолар авлодингиз – ўчмаган
изингиз бор.
Сиз етмаган орзулару
армонларга етгуси,
Бўй-бўйлаган ўғлингизу
жонфидо қизингиз бор.
Ҳаёт юкин сиз билан тенг
тортар нозик билаклар,
Оллоҳ берган жуфтингизни
асрай билинг, эркаклар.
У – интизор волидангиз
дуоларга очиққўл,
У – меҳрибон рафиқангиз
кўнглингизга топар йўл.
Қизи йўқнинг қадри йўқдир,
қизингизнинг бори бахт.
У – жигарбанд синглингиздир
омад тилар қалби қўр.
Атрофингиз ўраб турар
шунча эзгу-тилаклар,
Шу тиловчи юракларга
таянч бўлинг, эркаклар.

Эркак ўрни йўқ бўлдими,
аёл бунда эр бўлар,
Тирикчилик йўлларида
гоҳо қаро ер бўлар.
Етти авлод шаъни турар
унинг ҳаё орида,
Март йигитлар шу номусни
қўриқловчи шер бўлар.
Иснодларга илинмасин шаъни
нозик этаклар,
Аёл аёл бўлиб қолсин,
эркак бўлинг, эркаклар.

Икки қадам ортда қолиб,
бир қадам ўтиб олдга,
Сиз билан тенг қадам ташлар
шундай учқур ҳаётда.
Сиз дунёни бошқарсангиз,
у ҳаётни тебратар,
Зафар тахти насиб этса,
уни ҳам олинг ёдга.
Аёл ақлу заковати сизга
омад етаклар,
Унинг ўткир зеҳни ила
ҳисоблашинг, эркаклар.

Бу тириклик уммонига сизни
деб келган ахир,
Рўзғор юки тўлғоғида
маҳкам тутгани сабр.
Сабр дея сим-сим дард-ла
сарғаймасин юзлари,
Унга қайноқ меҳр тутинг
умрин сийласин қадр,
Шу елкадош жуфтингиз-ла
рўёб ширин, эртаклар,
Момо Ҳаво аждодларин
эъзоз қилинг, эркаклар.

Зулфия ЮНУСОВА.

«ГРАНИ» ЕЕ ТАЛАНТА

Однажды в городе Маргилане, славный своим атласом, в семье врача и учительницы родилась девочка. Назвав ее Наргизой, родители мыслили о красивом будущем дочери. Уже во втором классе девчонка написала свои первые стихи.

А дальше были факультет русской филологии Ферганского государственного университета, работа корреспондентом на местном телевидении, авторская программа «Женский клуб» на Андижанском телевидении.

Однако поистине судьбоносный, решающий переворот в ее жизни случился после съемок передачи ко Дню защитников Родины в 1996 году. Приехав в столицу, первое время работала в фонде «Шохидлар хотираси». «Белые пятна» нашей истории, ознакомление с судьбами земляков – подлинных патриотов Отчизны, сильно взволновало творческую натуру. Возможно, это и подтолкнуло к мысли о том, что такую высокую ценность, как независимость, добытую ценою стольких потерь, надо защищать надежно.

Так она стала военнослужащей Министерства обороны.

ДУШИ ЖИВОЙ ГЛУХИЕ ПЕРЕУЛКИ

Души живой глухие переулки
Хранят секреты чаяний ревниво.
Болезненно сжимаясь в страхе жутком,
Испепеляясь жалко, сиротливо.

Лишь иногда забывшись в дреме млечной
И заблудившись в мареве мечтаний,
Вдруг выдают свою больную сущность
Все состраданья знаки отклоняя.

Кого-то тронут детским непосредством,
Кого-то вновь оставят равнодушным,
Пленят кого-то жизненною силой,
Страстей накалом мыслей непослушных.

И возвращаются опять в свою неволю,
Где в ожиданье самой светлой доли,
В надежде честных слов и отношений
Себя увидят в самой главной роли.

ЧУВСТВОВАТЬ...

Чувствовать...
Сквозь досаду и тревогу – тонко чувствовать,
Вопреки всем ожиданьям – не безумствовать,
Визуально не пытаться пульс нащупывать,
Истерично радость встречи не обдумывать
(Знаю, сгинут здесь и боль и расстояния...),
Не стремиться завладеть твоим вниманием,
Запретить себе попытки излияния.
Нет, не тлеть и не сгорать при созерцании,
В чрево лести не бросать слова признания,
Только бровью повести в непонимании
И спокойно прошептать: «Ну, до свидания...»
...Не надуманная прихоть – состояние:
Залетать в твое окно для созидания,
В мыслях робко промелькнуть воспоминанием,
В ногах тихо прикорнуть в момент отчаянья.

ПОКУПАЮ ЦВЕТЫ

Покупаю цветы –
забываю заботы земные.
За бесценок карманный
покупаю я радость свою.
Это время пройдет,
и однажды в осадок осенний
Упадут все слова,
что тебе я сейчас говорю.

Покупаю рассвет, заблудившийся
в мареве раннем,
Покупаю усладу, что порой
«на руках» продают,
Покупаю любовь, что в зарю
ворвалась вешним садом,
Покупаю свободу – бесконечную
сущность мою.

ТВОИ СЛОВА – ВЕСЕННИЙ ДОЖДЬ

Не надо много говорить –
Твои слова, что дождь весенний.
Им в небеса не воспарить,
Их жизнь – короткое мгновенье.

Зачем язык свой утруждать
И мысли напрягать напрасно?..
Когда так нужно помолчать –
Весомо говорить, не часто.

«Язык мой – враг мой», – не забудь!
Побереги свои тирады
Для нужных дел, людей, минут...
Молчанье – высшая награда.

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Служащая Министерства обороны Алия Бикметова в Вооруженных Силах уже более 6 лет. Выбор профессии у обаятельной девушки не случайный, так как рассказы дедушки Салима Бикметова о военной службе оставили неизгладимый след, и Алия решила свою жизнь связать с армией.

В свободное время Алия увлекается кулинарией, читает художественную литературу, посещает театры и музеи Ташкента, знакомится с богатым духовным наследием народов Узбекистана.

Девушка всегда стремится к совершенствованию своих знаний, и это помогает профессионально общаться с людьми различных специальностей.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»! Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем). Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

«КРУГЛЫЙ СТОЛ» В КАШКАДАРЬЕ

В нашей стране уделяется особое внимание повышению общественно-политической активности женщин, их статуса в семье и обществе, трудоустройству, привлечению к малому бизнесу и частному предпринимательству.

Об этом говорилось в ходе состоявшегося в Каршинском государственном университете "круглого стола", который был организован комитетом женщин Кашкадарьинской области и ассоциацией "Олима аеллар" в рамках мероприятий, посвященных 8 Марта – Международному женскому дню. Участницы беседы – женщины-ученые, педагоги и деятели культуры – отмечали весомую роль женщин в науке, производстве, сельском хозяйстве. Обсуждались вопросы повышения правовой, политической, медицинской культуры женщин, проблемы профилактики и снижения женской преступности, активизации женщин в ходе демократических преобразований в стране.

А.МУХАММАДИЕВ,
корр.УзА.

КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Дунёдаги энг гўзал шеър Ватан алёридир. Замонлар оша шоирларимиз мадҳ этиб келаётган наволар ўзагини ҳам она юртга бўлган муҳаббат ташкил қилади. Зеро, Ватан мадҳи тиллардан дилларга кўчиб, инсонлар қалбида ўзи туғилиб ўсган юртга бўлган муҳаббатни мавж урдиради. Ёш шоира Лола Саодатованинг ушбу самимий сатрларида ҳам Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат тафтини сезасиз.

ВАТАН

Кимлар бизга дўст бўлса,
Қўлни-қўлга берайлик.
Сафланамиз жипсроқ,
Ўтмасин ҳеч бир ғаним.
Биз ўзбекмиз, бекликка
Арзигай ўғлонлар кўп.
Биз сени шонимизда асрагаймиз, Ватаним.

Ёруғ-ёруғ кунларни,
Сўраб кетди Усмонлар,
Қодирийни эсласам,
Титраб кетар жон-таним.
Боболарим ерида,
Ўқмас, унсин лолалар,
Биз сени қонимизда асрагаймиз, Ватаним.

Истиқлол жондай азиз,
Ҳурлик байроғи қўлда.
Тинчлик туғли элимда кечаяпти шод оним.
Кўзингнинг қорасидай асраяпсан бизларни,
Биз сени жонимизда асрагаймиз, Ватаним.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Армейский спорт

ОТЛИЧНЫЙ ПОМОЩНИК В СЛУЖБЕ

В одном из передовых воинских коллективов, ставшем победителем соревнования в ВПВО и ВВС, именно опору на здоровый образ жизни, активные занятия физической подготовкой и спортом считают одной из важнейших составных частей достигнутого успеха.



В частности, активным проводником идей оздоровления личного состава на стадионе и спортивных площадках является начальник физической подготовки и спорта подразделения капитан Аскад Бозоров. Выпускник Бухарского государственного университета до призыва в ряды Вооруженных Сил успешно занимался вольной борьбой и курашом. Причем за годы офицерского становления именно прочный фундамент здоровья и выработанная психология победителя не раз становились подспорьем в службе.

Однако одному ему было бы не под силу налаживать в части оздоровительную работу. Помогли активисты. Например, в проведении состязаний по спортивным играм – футболу, волейболу – оказали содействие майор Собир Тешабаев, старшие лейтенанты Зикрилло Хакимов и Анвар Ниёзов, а также нештатные спортивные организаторы подразделений младшие сержанты Ильхом Хамракулов и Ильхом Имамов.

Гордостью части является новый спортивный тренажерный комплекс, где с удовольствием накачивают мускулатуру и солдаты срочной службы, и военнослужащие по контракту. В частности, одним из любителей «железной игры» здесь по праву называют майора Александра Каспарова, подающего в этом добрый пример сослуживцам.

Впрочем, здесь прекрасно понимают и то, что для победы в современном бою одной силы может оказаться порой недостаточно. И выработке выносливости, укреплению морально-волевых качеств тут уделено самое пристальное внимание. Например, начальника радиостанции младшего сержанта Олима Юлдашева товарищи уважают не только как классного специалиста связи, но и отличного кроссмена. На Вторых Всеармейских играх он выступал в финале за сборную команду ВПВО и ВВС в беге на дистанции 3 и 5 километров. На этих же состязаниях достойно выступил еще один представитель данной части – рядовой по контракту Азиз Абдурахимов, который состязался в военном троеборье.

Посланцу столицы, рядовому срочной службы Алишеру Абдурасулову, спортивные традиции передового коллектива очень пришлись по душе. Парень признается, что не ожидал встретить в отдаленном гарнизоне таких прекрасных условий для занятий физической культурой и спортом. Приехавшие к солдату родители тоже приятно удивились переменам в его облике, узнав в своем сыне уже заметно возмужавшего молодого человека..

По словам солдат, совместные занятия физической культурой не только укрепляют их мускулы, но и способствуют сплочению, духовному сближению. И в этом видится великая воспитательная сила здорового образа жизни.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Международный турнир «Кубок независимости»

ДВА «ЗОЛОТЫХ» ДИЛЬШОДА

В столичном спорткомплексе «Узбекистан», прошел десятый традиционный Международный турнир «Кубок независимости», входящий в серию «Золотой Гран-При». В нем приняли участие сильнейшие борцы вольного и греко-римского стилей из 20 стран мира. Достойно выступили на этих соревнованиях наши соотечественники.

Сразу хочется отметить, что все четыре дня трибуны спорткомплекса были переполнены зрителями до отказа. Оно и понятно. Ведь сюда съехались легендарные и именитые во всем мире атлеты. А у нас, как известно, спорт был всегда в почете, а тем более, борьба. Кстати, на турнире не было ни одного участника, который по спортивной квалификации был бы ниже мастера спорта.

Первые два дня за главные награды турнира «спор» вели атлеты греко-римского стиля во всех весовых категориях и борцы-«вольники» в весе до 55 кг.

Пройдя сложнейшее «сито» предварительных схваток в весовой категории до 55 кг среди борцов вольного стиля, в финал пробился, как и ожидалось, наш земляк – двукратный чемпион мира заслуженный спортсмен Республики Узбекистан Дильшод Мансуров. Вторым финалистом в этом весе стал известный в мире спортсмен из России мастер спорта международного класса Джамал Отарсултанов.

Мансуров, как и всегда, боролся в своем «ключе». Молниеносным атакам и в то же время «железной» защите узбекистанца Отарасултанов не смог противопоставить ничего. В конечном итоге Дильшод за два периода финального поединка набрал 5 выигрышных балла, не дав при этом сопернику провести ни один прием, и стал обладателем главного приза и золотой медали.

Бронзовые медали достались Дзу Ли из Кореи и Нурлану Турарбекову из Кыргызстана.

Примерно такой же сложный путь до финала прошел и другой наш соотечественник чемпион мира, победитель Азиатских игр заслуженный спортсмен Республики Узбекистан по греко-римской борьбе Дильшод Арипов, боровшийся в весовой категории до 60 кг. Ему в финальной схватке противостоял заслуженный мастер спорта из Азербайджана Фауд Алиев.

В начале первой же минуты Алиеву удалось провести результативный прием, оцененный арбитром на ковре в 1 балл. Дильшод, оценив ситуацию по ходу борьбы, тут же меняет тактику ведения поединка и сравнивает счет, затем выходит вперед уже в первом периоде схватки – 2:1. Во втором же периоде Дильшоду Арипову удается провести свой коронный прием, который позволил ему получить высокую оценку – 3 балла!

Таким образом, Дильшод Арипов стал вторым «золотым» спортсменом из Узбекистана..

Бронзовые награды в этом весе завоевали Реваз Лакши (Грузия), Виталий Рагимов (Азербайджан).

Другие наши атлеты Эльбек Таджиев (55 кг), Равшан Рузикулов (66 кг) и Александр Дохторашвили (74 кг) удостоились бронзовых медалей.

Во второй день соревнований также стали известны имена победителей в других весовых категориях. Это Максим Мордвин, Алексей Мишин (Россия), Арман Адикиян, Юрий Патрикеев (Армения), Илгар Абдулов (Азербайджан), Магрубек Ассембеков (Казахстан).

Только красивой и убедительной победы ждали болельщики от олимпийского чемпиона, неоднократного чемпиона мира по вольной борьбе заслуженного спортсмена Республики Узбекистан Артура Таймазова (120 кг) и не менее известного Арслана Хуталиева (66 кг), вышедших в финал со спортсменами из России. К сожалению, оба наших соотечественника проиграли – А.Таймазов потерпел поражение от Курамагомеда Курамагомедова со счетом 2:0, а А.Хуталиев от Артыша Тамбулака – 3:5.

Также победу в финальных поединках в своих весовых категориях одержали Мурад Рамазанов (Македония), Гаджимурад Муртазалиев (Россия), Вадим Валиев (Армения), Георгий Гогшелидзе (Грузия).

Бронзовых наград среди борцов-«вольников» удостоились шестеро наших соотечественников. Это Ихтиер Наврузов (60 кг), Олег Газаев (66 кг), Сослан Тигиев (74 кг), Заурбек Шокиев, Абдулла Аммаев (84 кг) и Олег Халлагов (96 кг).

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● Кейинги пайтда спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиш баробарида ҳарбий спортчилар орасида ўз ўрнига эга бўлаётганлар қаторига шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Татьяна Хайрулинани ҳам бемалол киритишимиз мумкин.

СПАРТАКИАДА – ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБИ

Болалигидан спортга бўлакча меҳр қўйган Татьяна мактабда ўқиб юрган кезлари волейбол ва енгил атлетика мусобақаларида мунтазам иштирок этиб, мактаб ўқувчиларининг спорт фахрига айланган эди. Ўрта мактабни тугатгач эса у ўқитувчиларининг маслаҳати билан юртимизга кўплаб спортчиларни етказиб берган Чирчиқ олимпия захиралари билим юртига ўқишга кирди. Жисмоний тайёргарлик бўйича етарли билимларга эга бўлган қиз пойтахтимиздаги 205-ўрта мактабда ёшларга жисмоний тарбия бўйича сабоқ бера бошлади. Уч йил давомида ёшларни спортга қизиқтириб, уларни соғлом турмушга тарғиб қилган спорт усталигига номзод мураббий шогирдларини ҳақиқий спортчи сифатида тарбиялади, десак хато қилмаймиз.

2004 йилдан буён ҳарбий либос кийиб, юрт ҳимоясига камарбаста бўлаётган ҳарбий спорт маликасининг маҳорати таҳсинга лойиқ. У жорий йил Ватан ҳимоячилари куни арафасида «Ҳарбий аёллар спартакиадаси»да муваффақиятли иштирок этиб, жамоасининг етакчи ўринни таъминлашига ўзига хос ҳисса қўшди.

– Биз ушбу мусобақага терма жамоамиз билан пухта тайёргарлик кўрган эдик, – дейди лавҳамиз қаҳрамони шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Хайрулина. – Натижалар ёмон бўлмади. Бирин-кетин рақиблар жамоасини доғда қолдириб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдик.

Спортининг волейбол тури жамоадаги битта иштирокчининг сусткашлиги туфайли ҳам имкониятларни бой беришга олиб келиши ҳеч гап эмас. Буни яхши англаган Мудофаа вазирлиги терма жамоаси вакиллари бир-бирини тушунган ҳолда чиройли ўйин намойиш қилишди. Айниқса, жамоа таркибининг Татьяна Хайрулина сингари тажрибали спортчилар билан бойитилгани вакилларимизнинг ғолиблигини таъминлади. Ушбу спартакиаданинг енгил атлетика беллашувларида ҳам Татьяна муросасиз баҳс олиб бориб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Кичик сержантга спортда эришган бундайин ютуқлари учун Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг эсдалик нишони топширилди.

Агнеш ҚУРБОНОВ,
Александр МРУЧАК суратга олган.

ЮРТИМ ДЕБ, ХАЛҚИМ ДЕБ КУЙЛАЙМАН

Қўшиқ шундай бир мўъжизаки, инсонлар шодлигию ғамида ҳам қалбларга таскин беради. Айниқса, хонанданинг дилдан куйлаган ҳар бир хониши ҳар қандай кўнгилни обод айлаши шубҳасиз. Инсонлар дардини куйга солиб, янги-янги дилтортар қўшиқлари билан мухлислари қалбини забт этаётган истеъдодли хонанда Дилдора Ниёзованинг ижодини мана шундай дея эътироф этишимиз мумкин.

– Дастлаб санъат оламига улкан шижоат билан кириб келдингиз. Негадир кейинги пайтда бу ғайрат сизда кўринмаяпти?

– Нега энди, ҳозир ҳам ижод қилаяпман. Балки санъатга кириб келган илк онларим, дилимдаги армоним ушалгани учун жўшқин дарё мисол ҳайқириб тошган бўлсам, керак. Тўғри, ўша пайтда «Ишонма» қўшиғимни куйлаганимда кўпчилик нотаниш хонанда ҳақида қизиқди. Ундан янги ижод намуналарини кутди. Ўз ўрнида бундай эътибордан илҳом олиб, янги-янги қўшиқлар яратиб, мухлисларга тақдим қилдим.

– Сизни машҳур қилиб, кўпчиликка танитган «Ишонма» қўшиғингиз назаримда аввал ҳам қайсидир хонанда тарафидан куйланган?

– Тўғри, бу қўшиқ мендан аввал хоразмлик Отажон исмли хонанда томонидан ижро этилган. Бу қўшиқни куйлашим тарихи ҳақида қисқача айтадиган бўлсам, аввал отам билан ишлаб бир қанча қўшиқлар ёзганмиз. Масалан, Ватан ҳақида «Юртим деб куйлайман», «Бевафо дунё» қўшиқларини яратганман. Кейин оилавий шароитимиз тўғри келмай отам менга кўп вақт ажратолмай қолди. Шундан сўнг Тоҳир ака Эргашевнинг олдига ёрдам сўраб бордим. У киши рози бўлди ва менга бир қўшиқни келтириб, «Шуни эшитиб кўринг, агар маъқул келса, куйларсиз», деди. Қўшиқни эшитдиму, менга умуман ёқмади. Шунда Тоҳир ака «Бир куйлаб кўринг, кейин менга раҳмат айтасиз», деди. Ҳар ҳолда у киши продюсерим, кўнишга мажбурман. Сўнгра қўшиқнинг сўзларини ўзгартириб, аёл тилига мослаштирдим ва ижро этдим. Тоҳир ака адашмаган экан, ҳақиқатда ҳам хурсанд бўлдим. Боиси, бу қўшиқ мени ҳақиқатда ҳам машҳур қилди.

– Мухлислар олдида Дилдора Ниёзова бўлиб танилишингизда кимларнинг ҳиссаси бор деб айта оласиз?

– Шуни таъкидлашим керакки, инсоннинг бир нарсага эришишида аввало ўзининг интилиши бўлиши керак. Сўнгра эса атрофидаги қўллаб-қувватлаб турувчи кишилар ҳиссаси катта бўлади. Менинг ҳозирги даражага эришишимда ота-онам ва продюсерим Тоҳир аканинг ўрни беқиёс.

– Машҳурлик, шов-шувлар олами, хуллас, бир хиллик жонингизга тегмайдими?

– Санъатга энди кириб келган вақтларим, шоу-бизнес мен учун анча завқли эди. Лекин айни пайтда бундай ҳаётдан зерикаман. Чунки санъаткор бўлганингиздан кейин кўп нарсадан воз кечишингизга тўғри келади. Масалан, ўзингиз хоҳлаган жойингизга истаган пайтда боролмайсиз, одамларга қўшила олмайсиз. Ҳамма жойда ўзгаларга намуна бўлишингизга тўғри келади. Хуллас, эркин бўлолмайсиз.

– Яхшилик сизнинг назарингизда қандай? Ҳаётингизда сизга қилинган энг катта яхшиликни эслай оласизми?

– Ҳаётимдаги унутилмас яхшиликни менга ота-онам туҳфа қилган. Санъаткор бўламан деганимда, аввал отам бироз қаршилик қилган бўлса-да, лекин кейин улар мени тушуниб, «Омадингни берсин!» деб оқ йўл тилашгани мен учун ҳаётимдаги энг бахтли кун бўлган.

– Ота-онангиз ҳам санъатга алоқадор соҳада фаолият юритишадими?

– Улар санъатдан анча йироқ соҳа вакиллари. Онам Ҳурриятхон Ниёзова – ўқитувчи, отам – Султонмурод Ниёзов эса Тошкент метроқурилишида муҳандис бўлиб ишлайди.

– Овозингизни кўпинча Юлдуз Усмоновага ўхшатишади...

– Менинг санъаткор бўлишимга туртки бўлган нарса бу Юлдуз опанинг ижодидир. Бу соҳага меҳр қўйишимда унинг қўшиқлари муҳим роль ўйнаган. Унга ҳавас қилиб куйладим. Унга ўхшашни истадим. Балки овозимнинг ўхшаши ҳам шундандир. Юлдуз опанинг қўшиқларини шу қадар яхши кўрардимки, ҳатто ҳамёнимдаги охирги пулларимга ҳам унинг янги кассеталарини сотиб олган вақтларим бўлган.

– Санъатга энди кириб келаётган қўшиқчиларга нисбатан танқидий фикрлар кўп бўлмоқда. Сизнингча бугуннинг идеал хонандаси қандай бўлиши керак?

– Эл хизматларида, гастроль сафарларида бўлиб, шу нарсага амин бўлаяпманки, бугун биз истаймизми, йўқми кўпчилик одамлар айниқса, ёшлар ўзлари ёқтирган санъаткорларига тақлид қилишга интилишади. Улар нафақат кийинишида, балки ўзини тутишида ҳам. Шу боис, санъаткорларимиз кийинишида, юриш-туришида, ҳатто, айтаётган қўшиғида ҳам миллийлигимиздан келиб чиққан ҳолда иш юритишса мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда санъатимиз ривожланиб, хонандаларга нисбатан билдирилаётган танқидий фикрлар ҳам камайган бўлармиди. Масалан, муҳаббат мавзусини оладиган бўлсак, кейинги пайтда қўшиқчиларимиз муҳаббат ҳақида турли оҳангда шу қадар куйлашаяптики, инсонлар учун муқаддас бўлган бу туйғунинг қадри наҳотки шу даражада бўлса, деб ўйлаб қоласан киши.

Хуллас, бугуннинг замонавий қўшиқчиси нафақат куйлаётган қўшиғи билан, балки ҳар бир гапи, кийган кийими, ҳатто, ахлоқи билан ҳам бошқаларга намуна бўлмоғи лозим.

– Оилада ёлғиз қиз экансиз. Санъатдан ортиб уй юмушларида онангизга ҳам кўмаклашасизми?

– Онам ҳақиқий фидойи ўзбек аёли. Рўзғорда унинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Ўз ўрнида онам билганларини менга ҳам ўргатиб келган. Гоҳида студияда чарчасам, уй юмушлари билан овунишга ҳаракат қиламан.

– Сизни кўпчилик хоразмлик деб ўйлашади.

– Негадир Хоразм шевасида гапирмасамда мухлисларимнинг кўпчилиги «Хоразмданмисиз», деб сўраган вақтлари кўп бўлган. Баъзида эса Паркентдан ёки Бухородан бўлсангиз керак, деб қолишади. Аслида пойтахтликман. Шу ерда туғилиб, шу ерда ўсганман.

– Мухлисларингиз «сюрприз» ҳам қилиб туришадими?

– Ҳа, бундай совғалар кўп бўлади. Бир марта андижонлик худди ўзимга ўхшайдиган Хуршида исмли бир мухлисим қирқ метрлик мактуб жўнатган. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бундан хурсанд бўлиб, ўша дилномаларига ўраниб суратга тушганман.

– Кейинги пайтда мухлисларга қандай янгилик тайёрлаяпсиз?

– Муҳаббат ҳақида янги бир қўшиқ ёздик. Ушбу ижодим намунаси ёшларимизни умрбоқий муҳаббатга чорласа, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

– Сизнинг «Ватан» қўшиғингиз ҳам анча дардли хониш қилинган...

– Бу қўшиқ матнини Барот Бойқобилов ёзган, Мусиқасини Зокир Отабоев басталаган.

– Илк саҳнага чиққан пайтингизни эслай оласизми?

– Албатта, 2000 йил биринчи марта Мустақиллик байрамида «Юртим деб, халқим деб куйлайман» қўшиғим билан катта саҳнага чиққанман. Ўшанда чин дилдан йиғлаб куйлаганман. Бу менинг ҳаётимдаги энг бахтли онларим эди.

– Кимларни тинглайсиз?

– Ҳар қандай яхши қўшиқни имкон борича тинглайман. Лекин Ойбек Ҳамроқуловнинг «Соҳибқироним», Аҳрор Усмоновнинг «Ақли калта бўлмасин» қўшиғини қайта-қайта тинглашдан эринмайман.

– Хорижга ҳам таклифлар бўляптими?

– Ҳа, яқинда Исроилга таклиф қилишди. У ерда Ватанимиздан кетган яҳудийларни ўзимнинг ўзбекча қўшиқларим билан хушнуд қилиб қайтдим. Тўғриси, аввалига «У ерда концертимга ким кирарди», дея роса хавотирландим. Лекин тарғибот ишлари яхши амалга оширилган экан, залга мен кутгандан ҳам кўп одам йиғилди. Ҳатто, улар қўшиқ куйлаётган пайтимда мусиқага ҳамоҳанг рақсга тушиб, менга янада илҳом беришди.

– Ҳарбийлар даврасида ҳам бўлиб турасизми?

– Албатта. Юртимиз тинчлиги йўлида хизмат қилиб юрган посбонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш санъаткорларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим. Шу боис, ҳарбий қисмларда тез-тез бўлиб, миллатимизнинг асл ўғлонларини ўзимнинг куй-қўшиқларим билан хушнуд қилиб келаяпман. Биз улар учун ҳар қанча хизмат қилсак кам. Ахир, гўзал Ўзбекистонимизнинг осудалигини, мамлакатимиз фаровонлигини улар туну кун постларда сергак туриб ҳимоя қилишмоқда.

– Аёлларга байрам тилакларингиз...

– Дилимдаги энг эзгу тилакларим, мунис ва мўътабар аёлларга. Аёл – бу оила бекаси, ишда фидойи ходим, садоқатли жуфти ҳалолу вафодор дўст. Аёл бор экан, дунёмиз гўзал, ҳаёт фаровон бўлади. Аёлларимизни гўзаллигу нафосат асло тарк этмасин.

Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди.

Табрик

АЙЁМ ТИЛАКЛАРИ

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд ТОИРОВ:

– Эркаклар аёллар учун биринчи бўлишни, аёллар эса эркаклар учун сўнггиси бўлишни орзу қиладилар, деган экан файласуфлардан бири. Шоир аҳли аёлларимизнинг меҳру муҳаббатини қозониш учун шеър ёзишмайди. Аксинча уларнинг тенгсиз нафосати, латофати, оқилалиги ва тадбиркорлигидан илҳомланиб, шеърий сатрларда тасаннолар айтади. Аёлнинг муҳаббати қадар нафрати ҳам чексиз бўлишини биламиз. Ҳаётнинг бол тотган баҳорий кунларида илоҳим ҳар бир аёлнинг нафрати эмас, муҳаббати чўнгансин, кўзларига порлоқ шуъла, дилига эса қувонч бағишлаб яшайлик. Дунёда жамики гўзалликни хотин-қизлар тимсолида кўришимиз ҳақиқат. Инсон борки, гўзаллик қаршисида бош эгади, ундан руҳий қувват олади. Модомики, аёлларимиз хонадонларимизни чароғон айлар экан, бу нурдан янада ёрқинроқ шуъла таралмоғига, бағримизга баҳорий хуш насим олиб киришига, фарзандларимизни комиллик сари бошловчи оқила ҳилқат бўлишларига мадад берайлик. Байрам тонгида нафосатга ошно юракларга заррача гард қўнмаслигини ва уларнинг бизга, бизнинг уларга муҳаббатимиз боқий бўлмоғини тилайман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан КОМИЛОВ:

– Аёл – муқаддас зот. У вафо ва садоқат тимсоли, меҳр булоғи, ҳаётимиз давомчисидир. Аёллар туфайли дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат, нафосат ва гўзаллик туйғулари барқарор. Аёлнинг меҳр-муҳаббатини, заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Улар нафақат фарзандлар тарбиячиси, балки оила меҳригиёси ҳамдир. Чунки хонадон соҳибаси сифатида оила иқлимини бирдек асраш уларнинг зиммасида. Аёлларни севамиз, ардоқлаймиз. Куй-қўшиқларимизда уларни тараннум этамиз. Мен фурсатдан фойдаланиб барча опа-сингилларимиз қатори Қуролли Кучларимиз сафларида эр йигитлар билан елкадош бўлиб хизмат қилаётган ҳарбий либосдаги маликаларни, юрт посбонларининг азиз онажонларини, опа-сингиллари-ю, садоқатли умр йўлдошларини, ошиқларнинг эса маъшуқаларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан табриклайман. Уларга сиҳат-саломатлик, тўкис бахт тилайман. Доимо юзларидан кулгу, лабларидан табассум аримасин.

Капитан Пўлат СОТИВОЛДИЕВ, батальон командири:

– 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг бошланишига тўғри келганида ҳам гап кўп. Баҳор – янгиланиш, яшариш фасли. Бу пайтга келиб борлиқ яшаради, яшнайди, гўзаллашади. Бизда азал-азалдан аёллар гўзаллик тимсоли бўлиб келишган. Халқимиз муҳтарама ва мунис аёлларимизни ҳар доим юксак даражада эъзозлайдилар. Ижодкорлар асарларида уларни мадҳ этиб улуғлашади. Не-не баҳодир, мард ўғлонларга жасорату матонатда илҳом бағишлаган гўзал ҳилқат, бетакрор сиймо ҳам бу – аёл! Аёл – она, мураббий, раҳбар! У севикли ёр, меҳрибон опа, сирдош сингил. Нозик жуссасига тоғдек улкан масъулиятни олиб, вазифасини шараф билан адо этиб келаётган бу нозик жинс вакилаларининг бардошига балли деймиз, қудратига тасанно айтамиз. Оилада ҳам жамиятда ҳам аёлларнинг ўрни беқиёс. Улар туфайли ҳаётимиз гўзал ва нурафшон. Тилагим, бахтимизга ҳаммалари доимо соғ, баҳор каби нафис ва беғубор бўлишсин. Биз, посбонларнинг шарафли хизматимиз ҳам аввало она Ватан ва азиз ватандошлар, улар сафидаги азиз ва муҳтарама аёллар учун. Фурсатдан фойдаланиб, барча аёлларимизни байрам билан чин юракдан табриклайман.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Алишер МИРЗАКАРИМОВ:

– Аёлни, онани асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, ҳимоялаш ҳар бир инсон учун ҳамиша шарафли иш, мардлик ва жасорат намунаси бўлиб келган. Буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлом баркамол авлодни тарбиялашда мунис аёлларимизнинг ўрни беқиёсдир. Шу боис уларни ардоқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва таянч бўлиш биз эр йигитлар учун ҳам шараф, ҳам бурч ҳисобланади. Истиқлол туфайли хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни янада юксалди. Улар бугун барча соҳаларда муносиб фаолият юритишмоқда. Жумладан, Қуролли Кучларимиз сафларида ҳам ҳарбий аёлларимиз мард ва жасур ўғлонлар қаторида, Ватанимиз осойишталиги йўлида хизмат қилиб келишмоқда. Уларнинг масъулиятли, шарафли ва машаққатли меҳнатларига қанчадан-қанча тасаннолар айтсак арзийди. Мен ҳам 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан сафдошларим номидан республикамиздаги барча аёлларимизни самимий қутлаб, мунис чеҳралари доимо шодлик ва табассум нуридан мунаввар бўлиб юришларини тилаб қоламан.

Муддатли хизмат оддий аскари Маҳмуджон ВАЛИЕВ, «Жасорат» медали соҳиби:

– Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ўлкамизга кириб келиши билан табиат ўзгача тусда товланади. Ҳамма ёқда кўклам ифори... Меҳнаткаш юртдошларимиз қалби эса бунёдкорлик, яратувчанлик ва шодлик туйғулари билан лиммо-лим. Айниқса, яшариш ва янгиланиш фаслида байрамларнинг кўплиги юртдошларимиз қувончига-қувонч қўшади. Обод юртга байрамлар ярашганидек, мана шу байрамларнинг дастлабкиси – муҳтарама аёлларимиз байрами билан ушбу фаслнинг бошланиши баҳорнинг гўзаллигига янада ораста лик, жозиба бахш этади, гўё.

Мен ҳам ушбу байрам билан мамлакатимиздаги барча аёлларимизни чин қалбимдан табриклайман. Гўзаллик ва мунислик асло уларни тарк этмасин. Аёл борки, олам мунаввар, дея бежиз таъкидлашмайди. Чунки аёл гўзаллик тимсолидир. Биз йигитлар улар учун ҳар қанча хизмат қилсак, уларни қанча кўп эъзозласак шунча кам. Сафдошларим номидан айтмоқчиманки, биз аскарлар онажонларимиз меҳрига, меҳрибон опалару умидли кўзларини йўлимизга тиккан сингиллар ишончига ўз хизматимиз билан жавоб қайтарамиз. Улар осойишталигини асраш улкан бахт, шон-шарафдир.

Театральный сезон

В ЧЕМ ЖЕ СЧАСТЬЕ?

– Куда ты уходишь от моего богатства?

– Какое богатство? Что оно нам принесло?

Эти фразы взяты из новой постановки «Омонат дунё», идущей сегодня на сцене Узбекского национального академического драматического театра имени Хамзы. Эта драма всего несколько раз «видела свет», но уже пользуется популярностью среди театральных зрителей. Авторы Тилаб Махмудов и Дильбар Махмудова совместно с режиссерами Т.Исраиловым, М.Мадазимовым и художником Б.Курбановым постарались отразить в постановке насущные проблемы «грядущего» общества, в котором мы рискуем оказаться.

История рассказывает нам о семье, состоящей из 5 человек. В доме нет мира. Отец, мать и трое детей живут вместе и в то же время не понимают друг друга, да и особой любви не имеют. Отец зарабатывает большие деньги, но нечестным путем. В этом его и будет обвинять позже старший сын.

Первые проблемы возникают в семье из-за дочери. По своей халатности и безответственности (ей чужды такие понятия, как патриотизм, уважение к старшим, почитание родителей, любовь к Родине) села за руль чужой машины в нетрезвом состоянии и, подъезжая к дому, сбила пожилую женщину. Страх и ужас за собственную жизнь овладели ею. И в отчаянии обратилась за помощью к семье. Со стороны брата встретила осуждение, а вот «предприимчивый» отец все очень быстро придумал. Для общества (соседей) она отправилась в Москву на заработки, а машину украли ранее. И все остались довольны. Только вот бедная старушка умерла раньше намеченного срока...

Во всех действиях главы семьи проявляются корыстолюбие, жадность и цинизм. В развитии спектакля отец дает взятку за свободу дочери, выгоняет младшего сына, платит взнос на помощь семье умершей старушки на 250 сумов больше, чем все. Но добром вся эта история не кончилась. Стремление к деньгам ради денег оставило этого богача ни с чем.

Но не все так печально в этой драматической истории. Старший сын нашел своего родного отца, разрешив тем самым огромную задачу и ответив на вопрос зрителей: «Как такой честный, добрый, стремящийся к знаниям парень может быть сыном такого тщеславного гордеца?» Дочь раскаялась в своем поступке и спасла отца от одиночества и смерти, вернувшись домой и предотвратив пожар, который задумал отец.

Мораль сей истории такова: «Не в деньгах счастье, дорогие». Даже название говорит, что жизнь – ненадежная штука, сегодня мы есть, а завтра нас уже нет. Так что ценить нужно то, что имеешь. И не быть похожими на тех, кого так ярко и красочно показал коллектив Узбекского национального академического драматического театра имени Хамзы.

Эналида ТЯН.

Руководство и личный состав Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан выражают искренние соболезнования ведущему терапевту Центрального военного клинического госпиталя полковнику медицинской службы Кадирову А. по поводу кончины его отца

КАДИРОВА Абдукаххара.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси жамоаси бошқарма бўлим бошлиғи подполковник Анвар Саламовга отаси, захирадаги полковник

Ахат Камалович САЛАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3408. **Адади** 27940.